

HUQUQ

30

(397)

YURIDIK GAZETA

Iyul

D.	4	11	18	25
S.	5	12	19	26
Ch.	6	13	20	27
P.	7	14	21	28
J.	1	8	15	22
Sh.	2	9	16	23
Y.	3	10	17	24

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

SARHISOB

ҚОНУНИЙЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ЙЎЛИДА

Вилоят прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларда бўлиб ўтган навбатдаги хайъат мажлисларида қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида 2005 йил 6 ойи мобайнидаги фаолият яқунлари муҳокама этилди ва келгусидаги вазифалар белгилан олдинди.

Ўзбекистон Ҳарбий ва Транспорт прокуратураларида бўлиб ўтган хайъат мажлисларида ана шу масалалар атрофлича муҳокама этилди. Шунингдек, йил кўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишларда Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари А.Набиев иштирок этди.

Шунингдек, Навоий, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоят прокуратураларида бўлиб ўтган хайъат мажлисларида асосий эътибор жиноятчиликнинг барча кўринишларига нисбатан муросасизлик билан кураш олиб боришга қаратилиши, назоратнинг таъсирчанлигини таъминлаш, ижро ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш, боқиманда қарзларни камайтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, бандлик, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалигида ислохотларни жадаллаштириш, Республика президентининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш, вояга етмаганларга оид қонулар ижроси устидан назоратни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.


Йиғилишларда Бош прокурор ўринбосари П.Бобоҳонов иштирок этди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида бўлиб ўтган хайъат мажлисларида прокуратура органларининг қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятининг 6 ойлик яқунлари ва келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишларда Бош прокурор ўринбосари Б.Нурмухамедов қатнашди.

Тошкент шаҳар, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида бўлиб ўтган хайъат мажлисларида ўтган вақт мобайнида амалга оширилган ишлар, улар натижасига кўра қўлланган прокурор назорати ҳужжатларининг аҳоли, шунингдек бошқа соҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Хайъат мажлисларида Бош прокурор ўринбосари Б.Тойжонов иштирок этди.



— Шу кунларга етказганимга шукур!

А.Жумиев олган сурат

FARMON VA IJRO

Бугун Ўзбекистонда хоҳлаган одам қонунда рухсат этилган хоҳлаган тадбиркорликнинг тури билан шугулланиши мумкин. Истиклол туфайли яратилган шундай имкониятдан фойдаланаётганлар орасида Қўқондаги «Ўзбегим кўйлақлари» хусусий ишлаб чиқариш савдо фирмаси раҳбари Маҳмуджон Раимжонов ҳам бор.

— Ўтган икки йил давомида йилига 10.000.000 дан 12.500.000 сўмликкача маҳсулот ишлаб чиқариб, сотдик. Биргина эркаклар кўйлагининг ўзидан кунига 200 тагача тикиш мумкин. Бугунгача 40 турда кўйлақ ишлаб чиқардик, — дейди М.Раимжонов.

Фирма маҳсулотларини асосан 65 фоиз пахта, 35 фоиз лафсан ёки синтетик мато аралаштириб тўқилган материаллардан тайёрлайди. Улар Қўқондаги буюм бозори ва ша-

— Албатта. Бунинг учун хомашёни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйсак бас. Тўғри, бизда кўйлақлик мато тўқийдиган корхоналар йўқ эмас. Лекин уларда пахта ва синтетик толани аралаштириб тўқиш имкони йўқ. Бугунги харидорга эса айнан шунақаси керак. Ҳозир биз деярли барча хомашёни четдан, аниқроғи Хитой ва Покистондан олиб келаямиз. Агар у мамлакатимизда ишлаб чиқарилса, маҳсулот таннарихи 50 фоизгача камайиши шубҳасиз.

Фаолият бошлаганимга эндигина икки-уч ой бўлган пайтлар эди. Бозорда савдо қилётган бир зарурат туфайли қўшни растага ўтишимга тўғри келди ва укаларимдан бирини ўрнимда қолдирдим. Ана шунда солиқчилар келиб ундан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатномани кўрашибди. Укаларим керакли ҳужжатларни кўрсатишган. Улар эса «бировнинг ҳужжати билан савдо қилаяписизлар», дея 1.500.000 сўмлик товаримни олиб кўйибди. Келсам, аллақачон маҳсулотни бозордан олиб чиқиб кетишаётган экан. Ҳар қанча тушунтирмай, айтганида туриб

ЭНДИ ЯЙРАБ ИШЛАЙМИЗ

Маҳмуджон аканинг ота-онаси шаҳарнинг моҳир тикувчиларидан бўлишган ва ўз навбатида бу ҳунарнинг сирларини фарзандларига ҳам ўргатишган. М.Раимжонов аввалги Германия, Россия, Венгрия, Чехия каби давлатларнинг 3.000.000 сўмлик тикувчилик жихозларини хонадонига олиб келиб ўрнатди. Сўнг Қўқон шаҳар ҳокимининг 2003 йил 12 февралдаги қарори билан «Ўзбегим кўйлақлари» фирмасини ташкил этди. Низомга мувофиқ тикувчилик маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари, саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, улгуржи ва чакана савдони амалга ошириш, дорихоналар ташкил қилиш, импорт ва экспорт билан шугулланган фирманинг асосий фаолият турлари этиб белгиланди.

Айни пайтда 18 та дастгоҳ ёрдамида эркаклар кўйлаги, ётоқхона жамланмаси, маҳсул кийим-бошлар ишлаб чиқарилаётти.

ҳардаги айрим хусусий дўконлар орқали сотиладди. Фирма раҳбарининг маълум қилишича, юқоридагилардан ташқари 2005 йили Ангрендаги «Кулол» ОТАЖ, чуқстик хусусий тадбиркорлар Охунжон Абдувоҳидов ва Файратжон Ғаниев билан ҳам маҳсулот етказиб бериш бўйича 6.809.000 сўмлик шартнома имзоланган. Масалан, «Кулол» 4.965.000 сўмлик маҳсулот учун буюртма берган эди. Тадбиркор буюртмачининг талабини қондирди. Ҳозир «Ўзбегим кўйлақлари» 24 кишини иш билан таъминлаган. Уртача иш ҳақи 30.000-35.000 сўмни ташкил қилаётти.

— Битта кўйлақ тайёрлаш учун қанча харажат қилинади? — қизиқиш сўрадим тадбиркордан.

— Бугун бозорда 2800 сўмга сотаётган кўйлагимизга 2400 сўмлик харажат қиламиз, — дея жавоб беради Маҳмуджон ака.

— Харажатни янада камайтириш ёки маҳсулотни арзонроқ сотиш имкони борми?

Мазкур муаммо яқин кунлар ичида ечиладиган кўринади. Чунки Қўқон шаҳар ҳокимияти ҳамда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ёрдами билан М.Раимжоновга Хитойнинг имтиёзли кредити ажратилиши мўлжалланаётти. Ҳозир инвестиция лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Ажратилажак кредитнинг 14.400.000 сўми компьютер асосида «вишевка» тикадиган, «петля» очадиган, икки чокли 15 та дастгоҳ сотиб олишга сарфланса, қолган 20.600.000 сўмга хомашё харид қилинади.

— «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармонни ўқиб, ичимга сигмай кетдим. Энди ортиқча текшир-текшир, сарсонгарчиликларга дуч келмайдиган бўлдик, — дейди Маҳмуджон ака. — Сўзимнинг исботи сифатида бир воқеани сизга айтиб бераман.

олишди. Кейин эса жиноят ишлари бўйича вилоят судига апелляция шикоятини бердим. Вилоят суди менинг фойдага ҳукм чиқарди. Бирок, шаҳар судида иш қайта кўрилиб, молимини яна мусодала қилишди. Мен эса чўв тушиб қолавердим. Тўғриси, ҳақиқат қарор топшидан умидим узилганди. Юртбошимизнинг янги фармони билан бундай адолатсизликларнинг пайи қирқилди. Энди тадбиркорларимизнинг янада эркин фаолият юритиши учун имконият яратилди. Улар бу имкониятдан самарали фойдаланиб, юрт фаровонлигига қўшаётган ҳиссаларини оширсалар бас.

Хуршид СУЛТОНОВ
журналист



PROKURATURA NAZORATI

Харбий интизом — барча харбий хизматчиларнинг қонун ва низоamlар, командирларнинг буйруқлари билан белгиланган тартиб ва қоидаларга қатъий ва аниқ риоя этишидир. У ҳар бир харбийнинг Ўзбекистонни ҳимоя қилишга бўлган бурч ва масъулияти, ўз халқига мислсиз садоқатини ҳис қилишга асосланади.

Харбийларда юксак интизомни тарбиялашнинг асосий усули шонтиришдир. Аммо бу ўз бурчига сидқидилдан ёндошмаганларга нисбатан мажбурий чоралар кўришни истисно этмайди.

Интизомга риоя қилмаган

Харбий интизом ҳар бир хизматчида қасам-ёдига содиқ бўлишни, командирларга ва бир-бирига ҳурмат кўрсатиш қоидаларига риоя этишни, жамоат жойларида ўзини муносиб тутишни, номуносиб ҳаракатлардан ўзини ва бошқаларни тийиб қолишни ва фуқароларнинг ор-номусини ҳимоя қилишни талаб этади.

Бу ҳолатлар президенти мизнинг 1996 йил 9 октябрдаги фармони билан тасдиқланган Қуроли кучларнинг интизом низомида янада аниқ ва батафсил ифодаланган.

Жиноят кодексининг 7-бўлимида харбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар қаторида бир-бирига тобе бўлмаган харбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш учун жиноий жавобгарлик (285-модда) белгиланган. Бундай ҳаракатлар учун қонунбузар олти ойгача қамок ёхуд бир йилгача ин-

тизомий қисмга юбориш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш деганда ўзи учун энгил шароитни, жамоада имтиёз-ли мавқени, хизматдошларини ўз иродасига бўйсундиришни таъминлаш ниятида харбий хизматчининг бошқа бир хизматчига зўрлик ишлатиши, унинг шаъни ва қадр-қиммати камситиши тушунилади.

Афсуски, харбийлар орасида қонун ва низом талабларини бузиш ҳоллари учраб туради. Масалан, Ф. мударри харбий хизматга 2003 йил октябр ойида Тошкент шаҳар Ҳамза туман мудофаа ишлари бўлими томонидан қақририлиб, хизматни оддий аскар унвонида ўтаб келган. У Қуроли кучлар сафига кираётган вақтида конституция ва қонунларни муқаддас билиб, уларга риоя этиш-

га, харбий низоamlарни, командир ва бошлиқларнинг буйруқларини сўзсиз бақаришга, харбий интизомга қатъий риоя қилишга, ҳалол, жасур ва сергаж жангчи бўлишга қасамёд қилган, лекин қасамёдини бузиб, ўта оғир жиноятга қўл урган. Хусусан, 2004 йил 30 май куни аскарлар Андижон шаҳар Боғиша-

мол даҳасида жойлашган Бобур номли дам олиш масканида харбий қисмининг кун тартибиде белгилангандек дам олиб, соат таҳминан

15⁰⁰ ларда қисмга қайтиш учун автобусга чиққизди. Шунда Ф. оддий аскар ў.ни ёнига қақрииб, бирга орқа ўриндиққа ўтиришди. Кейин ўзининг хизматга олдинроқ келганлигини, жисмонан устуңлигини рўқач қилиб, ҳар хил баҳоналар билан жанжал чиқаради. У.ни елкасидан ушлаб, икки марта зарб билан уради. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатилишига қарамай ў. оғир жаражат туфайли вафот этади.

Оқибатда мазкур ҳолат бўйича оддий аскар Ф.га нисбатан Андижон харбий прокуратураси томонидан жиноят иши кўзғатилди. Шарқий харбий округ суди жиноят ишини кўриб чиқиб, Ф.ни озодликдан маҳрум этди.

Д.МУБИБЕВ,

Республика Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори

KELAJAKKA ETIBORSIZLIK

МАБЛАҒ НОҚОНУНИЙ САРФЛАНГАН ЭДИ...

Ёзёвон туманидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгашида ёшларни ватанпарварлик руҳида, ақлан етуқ ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш борасида амалга оширилган ишлар ўрганилди. Кенгаш томонидан бир қанча ижобий ишлар амалга оширилган бўлса-да, лекин айрим камчилик ва муаммолар ҳам йўқ эмас.

Иш тўғрисида қўйилмаганлиги учун туман ҳудудида ёшлар муаммолари, уларни бартараф этиш чоралари ҳақида маълумотлар йўқ. Бунга сабаб, қиска муддатларда туман кенгашига раҳбарлик лавозимида бир неча шахснинг ишлаб кетишидир. Бу эса кадрлар қўнимсизлигидан далолат беради.

Туманда ёшларни харбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўсимларни харбий хизматга тайёрлашда туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда ишлар бир мунча йўлга қўйилган. Лекин умумтаълим мактабларида ёшларни қақриққа тайёрлаш дарслари, фуқаролик мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан олиб борилаётган ишларга ёрдамлашиш, ёшлар ва ўсимлар орасида харбий ватанпарварлик тадбирларини ўтказишга эътибоб берилмаган.

Тумандаги меҳнат бўлими, халқ таълими ва касб-ҳунар коллежлари, аҳолига машиий хизмат кўрсатиш корхоналари билан ёшларни меҳнатга жалб этиш, касбга ўргатиш ишлари олиб борилмаган. Шунингдек, туман ҳокимлиги ҳузуридаги воға етмаганлар ишлари бўйича комиссия билан ҳамкорликда ёшлар ва ўсимларни ёрдамга муҳтож қатламлари, ногиронлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганларни аниқлаб, уларни ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, меҳрибонлик уйларига жойлаштириш борасидаги ишлар ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

2004 йилда туман кенгаши томонидан туман халқ таълими бўлимига қарашли 1-умумтаълим мактабининг спорт майдончасини таъмирлашга 50.000 сўм маблағ ажратилган билан чеқланган.

Кенгашнинг иш режасига киритилган воға етмаганлар ўртасида «Ўз ҳуқуқингизни биласизми?» кўрик-танлови, касб-ҳунар таълими ўқув юрталари ўртасида «Баркамол авлод» спорт мусобақаси, «Ҳамшира-2004» кўрик-танловлари номалум сабабларга кўра ўтказилмаган.

Тумандаги «Марвар» савдо фирмасига 814.000 сўмдан зиёд маблағ ўтказилиб, республика кўрик-танловининг туман ҳудудида ўтказилишида озик-овқат, транспорт ва ётоқ учун сарфланган.

Йўл қўйилган қонунбузилишларни бартараф қилиш ҳақида туман кенгашига тақдимнома киритилиб, ажратилган маблағлардан ноқонуний сарфлангани юзасидан жиноят иши кўзғатилди.

Т.ШЕРКУЛОВА,

Ёзёвон туман прокурори



ОСНИҚ МУЛОҚОТ



Яқинда Андижон вилоят прокуратураси ҳамда Асака шаҳар ҳокимияти ташаббуси билан «Тадбиркорлар саройи»да очик мулоқот ўтказилди. Шу муносабат билан шаҳардаги бир қатор кўшма ва кичик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмага қўйилди. Шунингдек, меҳнат ярмаркаси ташкил этилиб, хоҳловчилар бўш иш ўринларига тақиф қилинди.

Мулоқотда вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи М.Иминов президенти мизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари», «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини тақомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш», «Микрофирма ва

кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар» ҳамда «Тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги фармон ва қарорлари кичик бизнес тараққиётининг янги уфқларини очиб берганини таъкидлаб, уларни шарҳлаб берди.

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Нуқуқ» муҳбири

ТАРАҚҚИЁТНИНГ РАВОН ЙЎЛИ

Асака шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси қошида республикада ягона «Тадбиркорлар саройи» фаолият юритаяпти. Ундаги «Бизнес инкубатор», «Ўқув-консалтинг маркази», «Ахборот-хизмат маркази»да тадбиркорлар кичик бизнесни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг илгор усуллари, жаҳондаги энг яхши технологиялар, республика ҳамда жаҳон бозоринда хизмат ва товарларга эhtiж, иш юритишнинг ҳуқуқий қафолатлари ҳусусидаги маълумотлардан фойдаланишаяпти.



JINoyAT VA JAZO

Пастдаргом тумани «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигидаги Қорағўппа қишлоғида яшовчи Бобоназар Қуновон 2004 йил 29 июлда жиноят ишлари бўйича Пастдаргом туман судининг ҳўқмига кўра икки йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосини олганга қарамай, яна жиноят кўчасига қиради. У 2005 йил 12 январ куни соат 16⁰⁰ ларда спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда Алишер Навоий номли ширкат ҳўжалигининг Қадим қишлоғида яшовчи қиз Диборомнинг уйига турмуш ўртоғи Малика Қуновонани қидириб боради. Қизи онасини кўрмаганини айтганда жаҳли чиққан ота ёнидаги личогини олиб унга ташланади.

Буни қўрган қуёви Меили Ҳошимов уни эғнидаги қопонидан ушлаб жиноятдан қайтаришга ҳаракат қилади. Б.Қуновон эса бу сафар қуёвига ташланаб, кўрағига, қорнига бир неча бор личок уради. Отасининг вақоҳатидан қўрқиб кетган Дибором кўчага чопиб чиқиб, қўшнилари ёрдамга қақиради. Улар етиб келган, Б.Қуновон қочиб кетади.

ОТА НОРОЗИ БўЛСА...

баби нимада? —2005 йил 4 январ куни хотинин билан жанжаллашиб қолдим. У уйдан чиқиб кетди ва қайтиб келмади. Қизим Диорабодан онасини сўраганимда, «Дибором опамникига кетди» деди. Шу боис, 12 январ куни уни ўлдириш учун Қадим қишлоғида яшовчи қизимникига излаб бордим. Чўнки мен Жиззахга ишга кетган вақтимида қизим Қуновона Диборомни 2004 йил феврал ойида хотиним Қадим қишлоғида яшовчи, 10 нафар фарзанднинг отаси бўлган ва хотини билан ажрашган Ҳошимов Мей-

лига сўроқсиз турмушга бериб юборган, — дейди Б.Қуновон.

Дарҳақиқат, қизни турмушга беришдай муҳим оилавий масалани отанинг розилигисиз ҳал қилиб Малика Қуновона катта ҳатога йўл қўймадимикан? Ота рози — ҳудо рози дейишди-ку.

Бир оилада шунча воқоға юз беради-ю, маҳалла фаоллари, қишлоқ оқсоқоллари бундан бехабар қоладими?

Бу жиноят иши 2005 йил 25 май куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судида атрофилга қўриб чиқилди. Б.Қуновон 13 йилга озодликдан маҳрум этилди. Судланувчидан Пастдаргом туман марказий касалхонасига 19.374 сўм ва жабрланувчи М.Ҳошимовга 67.980 сўм ундириладиган бўлди.

Бехозод СУЛТОНОВ,
Пастдаргом туман прокуратураси иш ўрганувчиси,
Ғайрат БОБОҚУЛОВ,
журналист



EGRI YO'L ADOG'I

ҚОНУНБУЗАР «ТАДБИРКОР»

Ғиждувонлик Шерали Муқаррамов яхши ният билан «АС-XXI» хусусий ишлаб чиқариш фирмасини тузиб, астойдил иш юрита бошлади. Фирманинг савдо ишлари юришайтган вақтда эса қалтис йўлни танлагани ёмон бўлди. У Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслардан солиқлар ва йигирмиларни ундиришни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори талабларини қўлол равишда бузди. Утган йилнинг март-октябр ойларидеги фаолияти юзасидан давлат солиқ инспекциясига топширган ҳисоботларда даромад солиғини 14.000, ўн ой якуни бўйича товар айланмасидан пенсия жағмармасига тўланиши лозим бўлган 0,7 фоизни 49.100 сўм, йўл фонди тўлови бўйича 70.200 сўмни қамайтириб қўртатган.

Бундан ташқари, солиқ солинадиған объектларни ҳисобот топширмастик йўли билан яширган. Тамаки маҳсулотларини махсус руҳсатномастик улғуржи тартибда сотиб, 48.800 сўм даромад солиғи ва фирмадаги асосий воситалар бўйича 586.400 сўмлик мол-мулк, жами 768.000 сўмлик солиқ ва бошқа тўловларни тўламаган.

Ўз фойдасини яхши билган Ш.Муқаррамов Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли билан пуллиқ ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат қасса машинасининг мажбурий қўлланиши тўғрисида»ги ҳамда «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банлар масъулиятини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари талабини ҳам бузган. Утган йилнинг ноябригача савдодан тушган 778.200 сўмни назорат қасса машинасига киритмаган.

Ўқоридеги қилмишлари учун Ш.Муқаррамов қонуний жазосини олди. Уйғун ҚОЗОҚОВ,
Ғиждувон туман прокурорининг ўринбосари

Xatlar va jamoatchilik bilan aloqalar sahifasi

ПАРАМ

Чоршанбадан чоршанбагача тахририят муштарийлардан 31 та мактуб олди.

● **Javob**

AMALIY YORDAM KŌ'RSATILDI

«Нуқуқ» газетасининг 2005 йил 21 майдаги сониди чоп этилган «Амалий ёрдам қачон кўрсатилади» номли мақоладаги ҳолатлар ўрганилди. Аниқланишича, фуқаро Ақром Қурбанов яшаб келаётган Муборак шаҳар, 1-мити тумани, 21-а уйнинг том қисмида «Аланга» уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан 2004 йилда таъмирлаш ишлари олиб борилган. А.Қурбановнинг уйига

2004 йил мобайнида юқори қаватлардан сув ўтган бўлиб, бунга юқориди яшовчи фуқароларнинг эътиборсизлиги сабаб бўлган. Ушбу ҳолат юзасидан «Аланга» ширкати мутахассислари томонидан далолатнома тузилиб, чора кўрилди. Уйнинг том ва ертўла қисмидаги мажуд аҳвол мутахассислар томонидан ўрганилганда 57 метр иссиқ сув ва

совуқ сув қувурларининг 48 метри ярқисиз ҳолда эканлиги маълум бўлди. Шу боис, уйнинг ертўла қисмида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу уйни куз-киш мавсумига тайёрлаш ишлари прокуратура назоратига олинган.

Sh.ASHIROV,
Muborak tuman prokurori

● **Shikoyat**


YO'Q JOYDAN QARZDOR QILISHAYAPTI

Хурматли тахририят! Сизларга бир муаммо юзасидан мактуб ёзаямман. Текширувчилар уйимизга келаётган газ ва электр энергиясининг ўлчов асбобларини инобатга олишмаяпти. Сабабини сўрасангиз, «Вазирлар Маҳкамасининг қарори бор, бир ойда 100-150 кв. ток ишлаши керак», — деб қарздор қилиб кетишмоқда.

Мен 2005 йил 7 июнда Қашқадарё вилоят электр таъминоти идорасига электр энергиясини ўлчовчи асбобни текширтириш учун олиб борган эдим. Тумандаги электр идорасидан қарздорлик тўғрисида маълумотнома олиб келинг деб текширувдан ўтказиб беришмади. Қарши туман электр идорасига борсангиз, фалон сўм қарз экансиз, тўланг дейишади. Электр ҳисоблагичим кўрсатган миқдорга пул тўласам, қанақа қарз бўлман? Вилоят электр идорасида: «Уйингизда неча лампочка ёнади?» — деб сўрашди. 5 та дедим. 5 та юзлик лампочка 10 соатда 5 кв. ишлаши керак эмиш. Нега шунча лампочкани 10 соат ёкиб қўйишим керак? Нима, мен миллионерманми, оддийгина пенсионерман-ку. Шунга яраша электрдан фойдаланаман. Емаган сомсага пул тўлаш ниятим йўқ.

Аввал электр ўлчовчи асбобни текшириб, ундан сўнг назорат қилишларини истайман. Шу масалада ёрдам берсангизлар. Илтимосимни инобатга оларсиз деб ишонаман.

Qudrat ESHONQULOV,
Qarshi tumani Qoratapa qishlog'i



Юртимизнинг сўлим гўшаси

● **Javob**

JINOYATCHILAR JAZOGA TORTILDI

«Хоразм» фермерлар уюшмаси 3-бўлимида яшовчи фуқаро Полвон Хўжаниёзовнинг «Qonun himoyasida» биланлаган тахририятига ёзган шикоятни ўрганилди.

Текширишда шикоятдаги П.Хўжаниёзовнинг укалари Илҳом Хўжаниёзов ва Равшан Хўжаниёзовлар доимий равишда гиёҳқанд модда истеъмол қилиши, гиёҳқанд модда сотиб олиш учун уйдаги буюмларни сотиб юборилиш факти ҳам тасдиқланди. Улар ҳам буни тан олиб, даволанишга, бунга

барҳам берганликларини, гиёҳқандлик воситаларини «Хоразм» фермерлар уюшмасида яшовчи Исом Абдуллаев ва Санобар Курбонавалардан сотиб олганликларини маълум қилишган. Гиёҳқандлик моддаларини сотиш билан шуғулланган ушбу шахслар жиноий жавобгарликка тортилди.

G.QUTIMOV,
Bog'ot tuman prokurori vazifasini bajaruvchi

● «Нуқуқ»да chop etilgach

MUHOКAMA ETILDI

Чилонзор туман ҳокимлиги «Нуқуқ» газетасининг 2005 йил 8-сониди чоп этилган «Нима учун пул тўлаямиз?», «Мен бенаво қайга борай?», «Ширкатлар воситачими?» номли мақолаларга жавобан шунни маълум қилди:

Тумандаги барча ширкат раҳбарлари билан ўтказилган қўшма мажлисда ушбу мақолалар муҳокама қилинди. Бундай ҳолатлар келиб чиқмаслиги учун ҳар бир ширкат раҳбари ишчи-хизматчилар орасида тушунтириш ишлари олиб боришлари шартлиги таъкидланди.

S.AHMEDOV,
Chilonzor tuman hokimining
birinchi o'rinbosari

● **Minnatdorchilik**

QONUN HIMOYA QILDI

Мамлакатимизда тadbirkorlikning истаган тури билан шуғулланиш учун қулай имкониятлар яратилган. Хусусан, президентимиз томонидан жорий йилнинг 14 июнида эълон қилинган «Тadbirkorlik субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тadbirlari тўғрисида»-ги фармони биз тadbirkorlarni янада руҳлантирди.

Якка тартибда тadbirkorlik билан шуғулланаман. Мижозларимнинг миннатдор нигоҳларини қўриб хурсанд бўламан. Аммо баъзан эркин ишлашимизга ҳалақит берадиган қонунбузарлар ҳам топилиб қолади.

Бухоро шаҳар санитария-эпидемиология назора-

ти маркази ходимлари томонидан тиббиёт масканида ноқонуний тарзда текшириш ўтказилди. Марказ бosh ҳақими (Сулаймон Гадроев) 2004 йил 27 сентябрда мени маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида қарор қабул қилди.

Ҳақлигимни исботлаш учун қанчалар азият çekдим. Қонун мени ҳимоя қилди. Вилоят прокуратураси бўлим прокурори А.Қиличевнинг саъй-ҳаракатлари боис ҳақиқат галаба қилди. Вилоят прокуратураси томонидан маъмур қарорини бекор қилиш тўғрисида протест келтирилди.

Afeliya ISMOILOVA,
tadbirkor, vrach-stomatolog.

● **Madadtalab maktub**

NAFAQAGA CHIQMOQCHI EDIM...

Мен бир неча йил Қорақалпоғистон республикаси ички ишлар идораларида хизмат қилдим. 2003 йилнинг сентябрида нафақага чиқиш тўғрисида мурожаат этдим. Бир неча кун ўтгач, вазирликнинг шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи Р.Жумабоев сўхбатга чақирди. У киши нафақага чиқиш учун иш стажим етарли эканлигини, яъни 20 йилу 3 ой бўлганлигини айтди. Мен нафақага чиқишга розилигимни билдирдим. 2003 йил 29 октябр кuni Қорақалпоғистон Республикаси ИИВнинг мени нафақага чиқариш тўғрисидаги 97-буйруғи чиқди. Шундан сўнг ҳужжатларни расмийлаштириш учун шахсий таркиб билан ишлаш хизмати

катта нозири М.Мадраймов билан учрашдим. У эса ушбу буйруқ ноқонуний чиқарилганлигини билдирди. Айтишича, нафақага чиқишим учун 14 ой етмас экан. Иш стажимни катта нозир Б.Низомидинов нотўғри ҳисоблаганлигини, шу боис қолган муддатни ўташ учун ишга тиклаб беришини айтди. Аммо улар мени ишга тиклаш тўғрисида умуман ўйлаб ҳам кўрмадилар. Нафақа ҳам тайинлангани йўқ. Мана бир неча йилдирки, турли идораларга ҳуқуқимни тиклаш юзасидан ариза билан мурожаат қилмоқдаман. Лекин ҳеч қандай натижа йўқ.

Qadamboy RAHIMOV,
Qoraqalpog'iston respublikasi
Amudaryo tumani, Mang'it shahri

Yordam bering!

Сизларга умид билан хат ёзмоқдаман. Уғлим Муроджон Холиқназаров шу йилнинг 16 майдан 17 майга ўтар кечаси уйдан чиқиб кетиб бедарак йўқолган. Шу вақтгача топилгани йўқ. Уғлимнинг ёши 24 да. Бўйи 170 см. атрофида. Соч ва қошлари қалин, тилм қора рангда. Алоҳида белгалари: лабининг устки қисми ўнг тарафида ва бўйин қисмининг ўнг соҳасида кичик холи бор. Уйдан чиқиб кетган куни устида оқ рангли футболка ва қаймоқ ранг калта шим бўлган. Футболканинг кўкрак қисмида «Гюрдания» ёзуви бор. Ушбу ишгитини кўрган ва у ҳақида бирор бир маълумотга эга бўлганлар ИИБ га ёки 173-60-57 телефоница қўнғироқ қилишларини илтимос қиламан.

Mahmudjon XOLIQAQAROV,
Toshkent shahri Chilonzor tumani

● **Bong**

ҚОРАҚАЛПОҚ ҚОВУНЛАРИНИНГ ДОВРУҒИ ҚАЙДА?



Яқинда бир сабаб билан Тошкентга йўлим тушди. Курсдош дўстимникида меҳмон бўлдим. «Юрган дарё, ўтирган бўйра» деб шуни айтсалар керакда, дўстим билан мириқиб сўхбатлашдим. Талабалик йилларимизни эслашдик. — Ушанда гурвак қовунларидан олиб келиб турардинг-а, — деб қолди гап орасида дўстим.

— Ҳа-а...

Сўхбатимиз Қорақалпоғистон ва Хоразм ҳудудларида экиладиган қовунларга бориб тақалди. Биримиз у дедик, биримиз 27. Хўллас, нима ҳақида гапирсак ҳам ўша даврлардаги мазаси тилини ёрадиган қовун турлари йўқолиб бораётгани айтиш ҳақиқат эди. Қишлоққа қайтиб келиб, шу ҳақда ўйлаб қолдим. Ўша олий навли, бир-биридан ширин-шакар, донги Россиягача етган қовунларимиз қайда? Мен бугун ҳамма, ола ҳамма, бийтақ, гулоби, гурвак, қари қиз, оққош қовунларимизни бозорларда кам кўраяман.

Тўғрисиани айтиш керак, ота-боболаримиз бу қовунлар билан дунёга танилган. Ёзда дейсизми, кузда, ҳатто кишдаям бу қовунларни учратиш мумкин эди. Энди-чи, қани улар?

Шу ўринда Қорақалпоғистоннинг Беруний, Эллиққалъа, Тўртқўл туманларида қовун қурти пайдо бўлаётганини айтиб ўтмоқчиман. Бу бир офат. Ҳозир деҳқонлар бу зараркунандадан қаттиқ азият чекишяпти. Ундан қутилиш йўлларини излаш зарур. Мен оддий бир деҳқон сифатида табиғатимиз яратган ушбу неъматини асраб қолайлик дейман. Ана шунда қовунларимиз донги худди аввалгидек оламга машхур бўлаверади.

Ф.АБДУРАИМОВ,
Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган
пахтакор

БОЗОРЛАРИМИЗДАН ФАЙЗ КЕТМАСИН



Тумандаги деҳқон бозорида ҳатто кишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш учун расталар ҳам қурилмаган экан. Наҳотки, буни туман раҳбарлари билишмаса ёки улар бозорга киришмайдими?

Бозорларда яна бир муаммага тўғталмай илож йўқ. Аксарият бозорларда санитария қоидалари

этилган ҳудудларда қонунбузилишларни бартараф қилишга қаратилган прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, бозорларда тартиб ўрнатилди.

Бугун республикамизнинг қайси бозорига кирманг, ошхоналарга дуч келсиз. Турли овқатларнинг ҳиди димогингизга урилади. Бирок у ерда

45 литр этил спиртини 90.000 сўмга сотаётганда ушланди. Бу «шоввоз» спиртидан 200 та ароқ ясашни мўлжаллаган экан.

«Қизилтепа-Навой» йўналиши бўйича ҳаракатланаётган М.Хўжа-нова бошқарувидаги «Тико» автомашинаси кўздан кечирилганда фуқаро Ш.Аминовга тегишли 160.000

садосини эшитасиз. Ҳаммани тўйга етказсин! Бирок кейинги пайтда дастурхонларга қўлбола спиртли ичимликларни қўйиш омалашмоқда. Арзон ароқ қидирган баъзи тўй эгалари бозордан қўлбола ароқларни сотиб олмақда. Оқибатда яхши ниятда қилинган тўй баъзан мудҳиш оқибатларга олиб келмоқда.

Китоб туманида яшовчи Н.Туропов бозорларда «ин» курган деҳқон ниқобидаги фирибгарлар қандай қилишга ҳаракат қилмоқда. Баъзан «фалон бозордан фалон кило маҳсулот олгандим. Назорат тарозисида текширсам, кам чикди» деган гапларни эшитиб қоламиз. Бирок бозордаги тарозиларнинг стандарт талабига жавоб бериши учун бозор маъмурияти масъул эканлигини унутиб қўйишган кўринади.

Одатда тарози тошлари давлат стандартига кўра -20° дан +50° гача бўлган ҳоналарда сақланиши лозим. Бирок кўпгина тарозилар ҳарорати ўлчанмайдиган ҳоналарда сақланмоқда. Бунга Жарқўрғон деҳқон бозоридagi ҳолат мисол бўла олади.

Бу бозорда 69 та тарози ва 345 та тарози тошлари текширувдан ўтказилмаганлиги аниқланди. Тарозидан уриш гуноҳ ҳисобланади. Қуръони каримнинг Мутафифун сурасида шундай дейилади: «Улчов ва тарозидан уриб қолувчи кимсаларга ҳалокат бўлмай!» Улар одамлардан (бирон нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, берган вақтларида эса кам берадиган кимсалардир».

Бозорларимиз юртимиз кўрки. Юртимизга ташриф буорган меҳмонлар тарихий обидаларни кўздан кечириб, сўнг албатта бозорларимизга ташриф буоради. Бозорларда нафақат деҳқоннинг меҳнати, балки халқимиз маданияти ва маънавияти акс этган. Шундай экан бозорларимиз ўз номига муносиб бўлиши керак.

Икромжон ПОЛБОНОВ,
Республика Бош прокуратураси
бошқарма прокурори.
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
«Ниҳуқ» муҳбири

ДЕҲҚОНДА ИНСОФ БОР. ОЛИБСОТАРДА-ЧИ?

Отам деҳқон ўтган. Болалигимдан унинг ортидан эргашиб, далага чиққанман. Суягим далада қотганлиги боис, деҳқон меҳнатининг нақадар оғирлигини яхши биламан. Менга таъсир қиладиган нарсаси, умрида кетмон кўтармаган, даланнинг азобини кўрмаган бозордаги айрим кимсаларнинг қилимишидир. Ўзингиз ўйланг, улар деҳқонлардан «Қўйлик» бозориди тарвузининг донасини 250-300 сўмдан кўтарасига олишди. Сўнг пойтахтнинг «Олой», «ТТЗ» ёки «Бўз» бозорларида 1000-1200 сўмдан сотишди. Шу ҳам инсофданими? Сабабини сўрасангиз, «биз ҳам шу нархда олганмиз» дея бола-чақасини ўртага қўйиб қасам ичишди. «Қўйлик» бозориди бир олибсотар ўзим етиштирган ноқининг 500 килограммининг 350 сўмдан сотиб олди. Хизмат юзасидан «Олой» бозориди бўлганимизда ўша олибсотарни кўриб қолдим.

— Ноқининг баҳоси қанча? — деб сўрасам, — 1500 сўм, 1300 дан бераман деди.

Маҳсулотнинг устига 200-300 сўм қўйса чидайсиз. Ҳе йўқ, бе йўқ 1000 сўм қўйганига нима дейсиз?

Мен деҳқон сифатида ҳамма-нинг меҳнати кадрларини тарафдориман. У ишчим, врачими... Ўзингиз ўйланг. Фақатгина маошига кўз тиккан, коммунал тўловларни қийнаб ўтлаб, азият чекаётган ўқитувчи ёки пенсиядор қандай қилиб бир дона тарвузини 1000 сўмга сотиб олсин.

Илгари бозорлардаги муаммолар ҳақида журналистларнинг чиқишлари бўлиб турарди. Нимагадир кейинги пайтларда бозорлар билан боғлиқ муаммолар ҳақида ОАВ жим. Яхшиямки, яқинда Тошкент телеканалда ноинсоф олибсотарлар ҳақида яхши кўрсатув беришди. Унда деҳқондан арзонга олиб, шаҳарнинг турли бозорларида тўрт-беш баробар қимматга пуллаётган олибсотарлар ҳақида мулохазалар юритилди. Кўрсатувда деҳқонлар ҳам дилидагини айтишди.

Муборак хадисларимизда савдогар сотиб олган маҳсулотга ўз меҳнатининг баҳосини қўйиши ҳақида мулохазалар битилган. Бу гапларни ёзишдан максимал деҳқонларда инсоф бор. Олибсотарларда эса виждон бўлиши керак.

Аскар ЖўРАЕВ,
Ўртағирчиқ тумани

Саратоннинг ҳазирасида дала кезишинг ўзи бўлмайди. Деҳқон учун эса бунинг ўз гашти бор. Полидаги ҳандалагу тарвуз-қовунлар тилин ёради. Олма-ю шафтолининг ҳосилдан шох эрилган. Деҳқоннинг иши «кайнак» дам, унинг нияти ҳосилни тезда йиғиштириб бозорга элиш.

Бугун бозорларимизга кирган киши тўқинлиқни кўриб қайфияти кўтарилади. Расталар маҳсулотларга тўлган. Пишиқчилик эмасми, айрим бозорларга маҳсулотлар сиймай кетган. Ҳар қадама деҳқон илтифотига юзма-юз келасиз. «Арзон бераман, ўзимизнинг боғдан». Бирок саҳий деҳқонларимизнинг маҳсулотларини сотиши учун барча бозорларда имкониятлар етарли эмас. Узок чакирим йўл босиб, не умидларда келган деҳқон учун баъзан бозордан жой топилабди. Дили оғриган деҳқон сара маҳсулотини бозордаги «учар»ларга арзимас пулга ташлаб кетишди. Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги деҳқон бозорини ўрганганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик.

га рия қилинмапти. Тез бузилувчи истеъмол маҳсулотлари оқиқ ҳолда, санитария ҳолатига зид равишда сотилмоқда. +35...+40 даража иссиқда сотилаётган тухум, гўшт ва сут маҳсулотларининг сифати бузилиб қолмаслигига ким қафолат беради? Энг ачинарлиси, бундай ҳол республикамизнинг энг нуфузли Қўқон деҳқон бозориди, Наманган шаҳридаги «Тахтақўприк» бозориди бўлса, десак кўпчилик ишонмайди. Навой вилоятининг Учқудж, Навбахор, Томди туманлари, Сурхондарё вилоятининг Олтинсой ва Қашқадарё вилоятининг Деҳқонбод тумани деҳқон бозорларида ҳам аҳвол ачинарли. Қайд

ишлаётган ошпазларнинг барчаси ҳам санитария-гигиена қоидаларига рия қилляпти деб бўлмайди. Баъзиларининг устидаги кийимларини кўриб, иштаҳангиз бўғилади. Гўё ўт ёқувчини эслатади. Бунга Галларорол туманидаги «Лалмикор» деҳқон бозоридидаги тadbиркор С.Аҳмедов раҳбарлик қилаётган умумий овқатланish шахобчасини мисол қилиб келтириш мумкин. Текширишда 7 нафар ошпаз ва уларнинг ёрдамчилари санитария қоидаларига рия қилмасдан ишлаётгани аниқланди.

Халқимиз меҳнаткаш. Топганига уй қуради, тўй қилади. Бугун қайси маҳаллага кирманг, карнай-сурнай

сўмлик 200 дона қалбаки ароқлар борлиғи маълум бўлди. Суриштурувда у арқони Ғиждувон деҳқон бозоридан номаълум шахсдан олганлигини айтади. Худди шундай Сирдарё вилоятининг Бахт шаҳридаги бозордан булунгурлик Ш.Шодимонова ва Р.Идрисовлар 281 литр спиртни олиб кетаётганда ушланди. Бозорларга ин қўйган сохта ароқфурушлар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бундай ноқонуний ишлардан бозор маъмурияти, солиқ идораси ҳодимлари беҳабар десак хато қилган бўламиз.

Кейинги йилларда мамлакатимизда бозорлар қурилишига алоҳида

— Менга нима қолади? Ўзи фалон сўмдан олган бўлсам. Сизга ўз нархида берайман, — деса бўладими.
— Хангу манг бўлиб қолдим.
— Сизда инсоф борми ўзи? Болаларингизни тарозидан уриб қолиш эвазига боқасизми?
— Ҳамма инсофни йиғиштириб сизларга берган.
— Бу гапдан кейин бу аёл билан тортишинг

«Менга нима қолади?»

бефойдалигини билиб, олма олишдан воз кечди. Қайфият бузилганди. Оладиган нарсаларини ҳам унутиб, тезроқ уйга кетгим келарди. Юриб-юриб барибир олма олишга қарор қилдим. Олма сотиб ўтирган ёш боладан нархини сўрадим. Ўша нарх. Унинг тарозиси боғия аёлининг тарозисидан тузукроқ эди. Ҳар эҳтимолга қарши сўрадим:

— Тарозинг тўғрими ўзи?
— Бола жавоб беришга улгурмади. Каердан-дир унинг онаси пайдо бўлиб, жавоб берган бўлди:

— Тарози тўппа-тўғри. Ишонмасангиз бошқа жойда тортиб кўришингиз мумкин.
— Тўғри бўлса яхши. Энди ҳаммага ҳам

ишониб бўлмай қолди-да.
— Биз ҳамма эмасми. Мени кимга ўхшата-япсан? — тўсатдан сансираб, ўдагайлашга ўтди аёл, — агар ёқмаса ана, бозор тўла олма, ўшалардан олавер.
— Нега жahl қиласиз? Ахир сўраганинг абиби йўқ-ку.
— Ҳамманг шунақасан. Агар ишонмасаларинг тарози олиб юрларинг. Тортиб олавера-

санлар.
Балки бу аёлининг тарозиси тўғридир. Лекин нима учун бундай холатлар юз бермоқда? Илгарилари олибсотар деган сўзнинг ўзи салбий баҳоланарди. Ҳозир бундан ҳеч ким уялмайдиغان бўлган. Хоҳланг бозордан, хоҳланг кўчадан бирон нарсаси харид қилмоқчи бўлсангиз улардан «ўзи шунчада олганман, менга бор йўғи шунча қолади» деган жавобини оласиз. Бозор иқтисодиёти шароитида шундай бўлиши табиийдир, балки. Аммо инсоф сари барака деганларидек, олган нарсаси устига икки-уч баробар нарх қўйиш, тарозидан уриш инсофданими? Шулларни ўйлаб кетар эканман бир танишим

айтиб берган воқеа ёдимга тушди.
«Фарҳод» бозорига харид қилгани тушган эдим, деб гапириб берган эди у киши — бир жойдан санксиз килограмм картошка харид қилдим. Уч-тўрт кадам юргач, назаримда қўлимдаги юк нисбатан енгилдек туюлди. Бир дўконга кириб тарозидида тортиб кўришни илтимос қилдим. Олти кило чикди. Дархол ортага қайтдим. Менга картошка тортиб берган аёлга икки кило кам чиққанини айтдим. У эса индамди-ю, ёнида турган бошқа сотувчи аёл шангила-ганча гапга қўшилди:

— Ҳа, нима қилти кам чиқарди? Эркак киши бўла туриб уялмадингизми қайтариб олиб келишга?

Жуда ноқулай аҳволда қолдим. Уриб бўлмаси, сўйиб бўлмаси... Сотувчи эркак киши бўлган-да бошқа гап эди. Устига-устак бошқа сотувчилар ҳам менга ёққараш қилиб туришибди. Наҳора, тишининг-тишини қўйиб, картошкани уларнинг олдига агардирму пулимини олиб орқага қайтдим».

Бундай воқеаларни хоҳлаганча келтириш мумкин. Камдан-кам кишини айтмаганда кўплар шу каби вазиятга тушган. Ҳаром-харидишдан ўзимизни тийилдик.

Фозил МАМАШАРИПОВ,
«Ниҳуқ» муҳбири

Кундуз кунни ишда бўлганим учун кўпича кечки пайт уйга қайтаётиб бозорлик қилишга тўғри келади. Бу пайтда айрим метро бекатларидан чиқиш жойдаги «бозорча»ларда ҳақиқий ҳаёт қайнайдми. «Деҳқонларнинг қўли қўлига тегмайди. Ишдан уйга қайтаётганлар метродан чиқиб келаверади, улар эса ўз маҳсулотини мактаб, харидор чакришдан тўхтамайди.
Бир кун ишдан қайтаётиб, у-бу нарсаси харид қилиш учун метронинг «Буюк ипак йўли» бекатидан чиқишдаги «бозорча»га тушдим. Савдога унчалик йўқман. Бирон нарсаси олмақчи бўлсам савдолашиб ўтирмайман. Ўзингиз инсоф берсин дея тортиганини олавераман. Лекин ўша сафар ўзимни тўғри туролмадим. Бир аёл сотувчидан икки кило олма олимоқчи бўлдим. Нархини келишгач, пакетта олмаларни солиб бўлиб, ёзувлари ҳам ўчиб кетган, тўқилиб тарқаб кетмаслиғи учунми, белидан обдон ип билан ўралган алмосидан қолган қўл тарозисида торта бошлади. Тортаяпти-ю, охириг икки бармоғи билан тарози кўрсаткичинини босиб турибди.
— Нимага бармоғингиз билан кўрсаткичини босиб турибсиз? — эътироз билдирдим.
У ҳижолат бўлади деган умидда эдим. Қайда? Қайтанга менга қараб:

ПРОКУРОР ПРОТЕСТИ БИЛАН

2005 йилнинг 6 ойи давомида республика прокуратураси органлари томонидан судларга жамият киритилган апелляция, кассация ва назорат протестлари 3190 тани ташкил этиб, шундан 2721 таси қаноатлантирилган.

Ташкилотнинг судга ариза билан мурожаат этишига сабаб бўлган ҳолат бундай: Когон шаҳар ҳокимининг 1996 йил 6 июндаги қарори билан «Омега-Когон» ўзбек-грек қўшма корхонаси ташкил этилган бўлиб, Адлия вазирлигининг 1999 йил 25 ноябрдаги баённомаси билан унинг устасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Устав жамғармасида таъсисчи сифатида «Омега-фурс» фирмасининг улуши 34 фоиз, «Когондонмаҳсулотлари» АЖники 44 фоиз ва фуқаро Э.Мехралиевники 22 фоиз қилиб белгиланган.

Орадан бир неча йил ўтиб, яъни 2003 йил 3 март куни «Омега-Когон» МЧЖда 44 фоиз улушга эга бўлган «Когондонмаҳсулотлари» АЖнинг иштирокисиз йиғилиш ўтказилиб, жамиятни қайта ташкил этиш ҳамда АЖни таъсисчилар сафидан чиқариш ҳақида қарор қабул қилинган.

Шундан сўнг Когон шаҳри ҳокимининг қарори билан «Омега-Когон» ўзбек-грек қўшма корхонаси «Омега-Когон» МЧЖга айланган. Лекин «Когондонмаҳсулотлари» АЖ бу МЧЖга аъзо бўлимай қолган. Ваҳоланки, «Омега-Когон» қўшма корхонаси устасида **муассислар бошқа таъсисчиларни бир ой илгари олдиндан хабардор этган ҳолда муассислар сафидан чиқиш ҳуқуқига эга эканлиги, муассислар сафидан чиқаришда муассисларга кўчмас мулк ҳамда асосий воситалар мулк сифатида берилмаслиги, балки устав жамғармасидаги улушига мувофиқ муассислар сафидан чиқиш пайтида амал қилган бозор қиймати тев равишида ҳисоблаб чиқилган пул тўлови қайтарилиши** қайд этилган. Шунингдек, томонларнинг келишувига кўра таъсисчилар сафидан чиқаришда муассисга ҳар қандай мулк ва кўчмас мулк ҳам берилиши мумкинлиги кўрсатилган.

«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддаси 5-қисмида **жамият жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчига улушининг чиқиш санасидан олдинги охириги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари бўйича аниқлаштирилган ҳақиқий қиймати**ни тўлаши ёки жамиятдан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчининг **розиллиги билан унга худди шундай қийматдаги мол-мулкни асос ҳолда бериши шартлиги** белгиланган бўлса-да, бу ҳолатлар судларнинг эътиборидан четда қолган.

Ваҳоланки, судлар бу ҳолатга оидинлик

ти қондаларнинг йўқлиги янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига олиб келиши белгиланган. Аммо, судлар Когон шаҳар ҳокимининг жавобгар билан даъвогар ўртасида бўлиш баланси тузилмаган ҳолда янгидан ташкил этилган «Омега-Когон» МЧЖни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича 2003 йил 11 апрелда чиқарган 217-қарорининг қонунийлигига ҳужужий баҳо бермаган.

Ҳўжалик процессуал кодексининг 55-моддасида давлат органлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар кўрилатганда ушбу ҳужжатларнинг қабул қилинишига асос бўлган ҳолатларни исботлаш мажбурияти ҳужжатни қабул қилган орган зиммасига юклатилиши кўрсатилган бўлса-да, низоли қарор иш ҳужжатларига тикилмасдан, ҳокимлик томонидан эса даъво аризаси юзасидан ёзма фикр ҳам билдирилмасдан қолган. Чунинчи, янги жамиятни рўйхатга олишда тақсимлаш баланси ва қайта ташкил этилган жамиятнинг ҳужужий вориси қайси ташкилот эканлиги аниқланмаган. Бу эса ХПКнинг 169-моддаси талабига кўра, ҳўжалик судида аниқланган деб ҳисобланган иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг исботланмаганлиги, ҳал қилув қарориди ҳаёт қилинган ҳулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги ва моддий ҳўжж нормаларининг бузилганлиги деб ҳисобланиб, суд қарорларини бекор қилиш учун

Қашқадарё вилоят судига кредитор — «Чори-С» хусусий фирмаси ариза билан мурожаат этиб, қарздор — «Қарши шаҳар буюм бозори» очик акциядорлик жамиятидан 2.016.000 сўмни ундириш ҳақида сўраган. Аниқланишича, 2004 йил 20 февралда тарафлар ўртасида тузилган шартномага асосан «Чори-С» фирмаси 2.016.000 сўмлик шифер маҳсулотини топширган, бироқ «Қарши шаҳар буюм бозори» ОАЖ бу шифернинг қийматини тўлаб бермаган.

Вилоят ҳўжалик суди томонидан 2004 йил 21 майда ариза қаноатлантирилиб, қарздордан 2.016.000 сўм ундириш ҳақида суд қарори чиқарилган. Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидай туюлади. Бироқ масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор.

Эътибордан четга қолган ҳолатлар

Ўтказилган текширишларда аниқланишича, тарафларнинг мансабдор шахслари 2.016.000 сўмлик қарзнинг мавжудлиги ва миқдори юзасидан низо мавжуд эмаслиги боис суд буйруғи берилганига қарамай, қарзни пул суммасида ундириш ўрнига «Қарши шаҳар буюм бозори» ОАЖнинг бир қатор мулкларини арзон қаровга сотиб олиб қўлга киритиш мақсадида келишув битими имзоланган.

Хусусан, 2004 йил 25 май куни тарафлар вакиллари томонидан «Қарши шаҳар буюм бозори» ОАЖга қарашли ҳар бири 35 кв. м. ер майдонига эга бўлган 7 та омборхона — 1.050.000 сўмга, 8,5 кв. м. бўлган 1 та чимтахона — 100.000 сўмга, Т-28 русмолли тракторни — 200.000 сўмга, майдон 2100 кв. м. бўлган автомобиль тўхташ жойини — 666.000 сўмга баҳолаб, қорридаги мулкларни жами — 2.016.000 сўмлик қарз эвазига «Чори-С» хусусий фирмасига бериш ҳақида тузилган қонуний келишув битими тузилган. Бу битим эса вилоят ҳўжалик суди томонидан асоссиз равишда тасдиқлаб берилган.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 82-моддаси ва жамият Низомининг 10.4-банди талабига мувофиқ мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш жамият кузатув кенгашининг ваколатига кириши белгиланган бўлса-да, жамият собик раиси Ҳ.Узоқов ҳолис баҳоловчи (аудитор) ни жалб этмасдан, қорридаги мулкларни ўзбошимчилик билан баҳолаб, хусусий фирмага бериб юборган. Бу ҳолатлар ҳам биринчи ва кассация инстанцияси судларининг эътиборидан четда қолган.

ХПКнинг 40-моддаси 4-қисмига мувофиқ тарафларнинг келишув битими қонун ҳужжатларига хилоф эканлиги, шунингдек давлат ва акциядорлик жамияти аъзоларининг ҳўқуқ ва манфаатларини бузганлиги боис биринчи босқич суди ажрими ва кассация инстанциясининг қарори бекор қилиниши лозимлиги боис қонуний келишув битимини тасдиқлаш ҳақидаги ажрими ҳамда кассация инстанциясининг бу ажрими ўзгартириш қолдириш ҳақидаги қарорини бекор қилишни сўраб Бош прокуратура томонидан назорат тартибиде протест келтирилди.

Маъзур протест Республика Олий ҳўжалик суди Раёсатининг 2005 йил 28 апрелдаги қарори билан қаноатлантирилиб, ҳўжалик судининг қонуний ажрими ва уни ўзгартириш қолдириш ҳақидаги Олий ҳўжалик суди судлов хайъатининг қарори бекор қилинди.

Улуғбек САЙФУДИНОВ,
Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори

«44 фойиз» овораси

Бериш ва Когон шаҳар ҳокимининг 2003 йил 11 апрелдаги 217-қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

қиритиш учун «Когондонмаҳсулотлари» АЖнинг қўшма корхона устав жамғармасига киритган мулк билан таъсисчилар сафидан чиқарилаётганда унга тақдир этилаётган мулк ўртасида жиддий тафовут борлигини назарда тутиб, мутахассисларнинг ҳулосасига кўра қонуний тўхтама келиши лозим эди. Фуқаролик кодексининг 51-моддаси 3-қисмида **таъсис ҳужжатлари билан бирга тегишлича топширилган ҳужжатини ёки тақсимлаш балансини тақдим этмаслик, шунингдек уларда қайта ташкил этилган юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича ҳўжужий ворислик тўғрисида**

асос бўлади. Қайд этиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш учун Республика Бош прокуратураси томонидан келтирилган протест жорий йилнинг 24 март куни Олий ҳўжалик судининг раёсатида кўрилиб, қаноатлантирилган. Қуйи судларнинг маъзур ишга доир бarchа қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан биринчи инстанцияда кўриш учун Олий ҳўжалик судининг иш юритувигача қабул қилинди.

Ҳакимбой АЮБОВ,
Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори

Онанинг кўнгли боллага

Даъвогар А.Якубова судга ариза билан мурожаат этиб, турмуш ўртоғи К.Реимов билан ўрталарида Гулистон Бекниязова (1998 йилда туғилган), Ажиниёз Бекниязов (2000 йилда туғилган) исмли фарзандлари борлигини, қайнонаси билан келиша олмаб, доимий жанжалларга чидамасдан ота-онасиникига кетиб қолганини, муносабатлари унганмаганлиги сабабли эри билан ўрталаридаги никоҳни бекор қилиб, 2 нафар фарзандини ўз тарбиясига олиб бериб, уларнинг тарбияси учун жавобгардан алимент ундиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Беруний туманлараро судининг 2004 йил 15 март куни ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар А.Якубованинг талаблари қисман қаноатлантирилиб, унинг К.Реимов билан никоҳи бекор қилинган. Жавобгардан Гулистон исмли кизи даъвогар тарбиясига олиб берилган. Угли Ажиниёз отасида қолдирилган. Жавобгардан даъвогар фойдасига фарзанди Гулистон учун ҳар ойлик иш ҳақининг 25 фоиз миқдориде нафақа ундирилган.

А.Якубова, иш Қорақалпоғистон республикаси Олий суди кассация ва назорат инстанциясида кўрилиши жараёнида ўғли ҳали жуда ёш эканлиги, унинг она меҳрида муҳтожлигини, агар фарзандини олиб беришса, алимент, мол-мулк талаб қилмаслигини, фақат фарзандларини бир-биридан ажратмаслигини сўраган. Онанинг илтижолари эътиборсиз қолган.

Қоракалпоғистон республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий Судининг кассация судлов хайъатининг ажрими ва шу суд раёсатининг 2005 йил 31 март қарорига кўра, биринчи босқич судининг ҳал қилув қарори ўзгартириш қолдирилган.

Суднинг ушбу қарорларини қисман бекор қилишга доир протест келтириш учун етарлича асос бор эди. Жумладан: биринчи инстанция суди маъзур ишни кўришда тарафларга ярашми учун 4 ой муҳлат берган бўлса-да, олинган барбод бўлиш сабабларини атрофича ўрганмаган, даъвогарнинг ваъдаларини текширмаган. Бундан ташқари, даъвогарнинг жанжаллар сабаб болаларини ташлаб ота-онасиникига кетиб қолганлиги хусусидаги ваъдалар қанчалик тўғривлиги ҳақида ўз-ўзини бошқариш идораларининг фикри олинмай, ишни фақат эр-қотин, васийлик ва ҳомийлик органи вакили иштирокида кўриб, ўғил фарзандини отасида қолдириш ҳақида қарор чиқарган. Кассация ва назорат инстанцияси судлари ҳам биринчи инстанция судининг ушбу асоссиз қарори билан келишган.

Туман васийлик ва ҳомийлик органининг жавобгар ва даъвогарнинг яшаш шaroитини ўрганиб, тарафларнинг ҳар иккаласида ҳам бола учун етарли шaroитлар мавжудлиги, болалар отаси билан яши яшаётганлиги ҳақидаги ҳулосасининг асослигини текширмаган.

Васийлик ва ҳомийлик органи ўз ҳулосасида болаларнинг фикрини олиб, гўёки тарафларнинг 10 йашга тўлмаган фарзанди жавобгар К.Реимовнинг унда қилиниши истаганлиги, илгаридан ушбу муҳлатга ўрганган, тунишганлари, жавобгарнинг қарамонда қолдириш тўғри деган ноўрин ҳулосага келган. Ваҳоланки, «Оила кодексининг 71-моддаси талабига кўра, боланинг манфаатларини инобатга олган ҳолда суд фақат 10 йашга тўлган боледа ота-онанинг ҳайси бири билан яшаш истаги борлигини эътиборга олиши мумкин. Васийлик ва ҳомийлик органи томонидан тузилган далолатнома ва иш материалларида А.Якубова рўмол тўкиб тирикчилик қилаётганлиги, жавобгар К.Реимов эса ҳеч қаерда ишламаётганлиги қайд қилинган. Шу ҳолатнинг ўзи ҳам болалар онанинг тарбиясида қолдирилиши лозимлигини кўрсатади. Аксинча, вояга етмаган Гулистон ва Ажиниёзларни бир-биридан ажратмай, она тарбиясида қолдириш мақсадга мувофиқлиги судларнинг эътиборидан четда қолган. Республика Бош прокуратурасининг протести асосида фуқаролик ишлари бўйича Беруний туманлараро судининг ҳал қилув қарори, Қорақалпоғистон республикаси Олий суди судлов хайъатининг ажрими ва раёсати қарорининг ижро қилиниши қисми ўзгартириш қолдирилиб, вояга етмаган болани қайтариб олиш ва алимент ундириш қисмлари бекор қилиниб, ишнинг ушбу қисми янгидан кўришга юборилди.

Насриддин ҚАРИМОВ,
Республика Бош прокуратураси бўлим бошлигининг ўринбосари

KAT TAHRIRSIZ BOSILMOQDA

Ушбу мактубни айнан «Нуқуқ» газетасига йўллаётганим бежиз эмас. Сабаби эса куйидагича... Денов – қадимдан юртимизнинг энг обод масканларидан ҳисобланиб келади. Айниқса, унинг бозорлари йил бўйи гавжум. Савдо-сотик ҳаммаша авжида. Авваллари Денов тумани ва шаҳрида 2 та бозор мавжуд бўлиб, иккаласидан ҳам одам аримасди. 1996 йили Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан бу бозорлар бирлаштирилиб, «Бободехқон бозори» ОТАЖ ташкил этилди. Натижада йирик савдо мажмуи юзага келди. Тегишли акциялар чиқарилиб, эркин савдога қўйилди. Аммо ўша кезларда кўпчилик қатори мен ҳам ак-

хақиқий акциядорлар бир четда қолиб, жамиятни тўғридан-тўғри ҳокимлик бошқариши сира мантиққа тўғри келмайди. Бу ҳам етмаганда, кузатув кенгашига раслик қилувчи ҳокимлик вакили ҳар йили кенгаш мажлислари ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишини қонунларга хилоф равишда ўтказиб келмоқда. Бундан ташқари, президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ижро-

ОТАЖ кузатув кенгаши раислигини эггаллади. Унинг бевосита раҳбарлигида 2004 йил 16 мартда бўлиб ўтган акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишида «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги қонун талабларига риоя этилмай яна 3.Алимардонов жамият бошқаруви раислигига тасдиқлаб олинди.

Йиғилишнинг ноқонуний ўтқа-


келтирилган масалалар қайта кўриб чиқилсин. 45 кун муддат ичида акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилсин.

М.ТИЛОВОВ,
Қимматли қозғалар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи.
2004 йил 24 март.

денов биринчи сайловдан тортиб то охиригисигача қонуний йўл билан эмас, кузатув кенгаши раисларининг сийлови билан ушбу лавозимни эггаллаб келяпти. Акциядорлар бу ҳолатдан норози бўлиб фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судига, сўнг вилоят судига мурожаат этишди. Аммо тармоқни назорат қилувчи идоралар — ДМҚ ҳудудий бошқармаси ҳамда Қим-

Қонун устуворми ёки манфаат?

БУ САВОЛГА ДЕНОВДА ЖАВОБ ТОПИШ МУШКУЛ. ЧУНКИ...



ция нималигини яхши тушунмаганим боис бу воқеага унчалик аҳамият бермагандим. Лекин вақт ўтган сари юртимизда хусусий мулкка, мулкдорларга эътибор орта бошлаган, менда ҳам қимматли қозғаларга қизиқиш пайдо бўлди. Эр-хотин маслаҳатлашиб, 2001 йилнинг кузида бозорнинг очик савдога қўйилган 35,8 фоиз акциясини сотиб олдик. Кейинги йилдан АЖнинг кузатув кенгашига аъзо этиб сайландик. Мулкдор ва бозорга дахлдор инсонлар сифатида жамият фаолиятида иштирок эта бошдик. «Қимматли қозғалар ва фонд биржалари тўғрисида»-ги қонунда: «Акциялар — акциядорлик жамиятининг устав фондига юридик ва жисмоний шахс муайян ҳисса қўшганидан гувоҳлик берувчи, акция эгаларининг мазкур мулкдаги иштирокини тасдиқловчи ҳамда дивиденд олиш ва қоида тарқасида, ушбу жамиятни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини берувчи, амал қилиш муддати белгиланмаган қимматли қозғалар», — дея таъкидланган бизга шундай ваколат берганди-да.

Аммо орадан кўп вақт ўтмай шунга амин бўлдикки, бозор бошқарувида акциядорлардан кўра туман ҳокимлиги кўпроқ рол ўйнар экан. Жамият акциялар пакетининг 51 фоизининг эгаси сифатида ҳокимлик вакили (туман ҳокимининг ўринбосари) тўғридан-тўғри ОТАЖ кузатув кенгашининг раиси ҳисобланар экан. Тўғри, жамиятда давлат бошқаруви вакилининг бўлгани яхши. Бироқ, кузатув кенгаши аъзоси сифатида суриштириб билсам, Денов туман ҳокимлиги 51 фоиз акцияни ҳеч қачон сотиб олган эмас, устав фонднинг ушбу қисми муаулақ экан. Майли, буни-сига ҳам чидаш мумкин. Лекин

сига ҳам эътибор қаратилмайди. Ушбу ҳолатни Сурхондарё вилоят молия бошқармаси бошлиғининг 2003 йил 17 октябрда вилоят ҳокими ўринбосари А.Худойкуловга йўллаган ушбу мактуби ҳам тасдиқлаб турибди:

«Денов тумани «Бободехқон бозори» ОТАЖнинг 2003 йил март ойи маҳаллий бюджет истиқбол и режаси 7.875.000 сўм белгиланган бўлиб, ҳақиқатда эса 4.379.000 сўмга ёки 55,6 фоизга, апрел ойи режаси эса 6.161.000 сўмга бажарилган.

...Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 августдаги «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни тақомиллаштириш тўғрисида»-ги 315-қарорга зид равишда белгиланган режа 2003 йил март-апрел ойларида кетма-кет бажарилмади. ...Қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида режани икки ой кетма-кет бажармаган бозорларнинг бошқарув раисларига нисбатан чора кўриш учун вилоят солиқ бошқармасининг ваколат доирасида вилоят ҳокимлиги 2003 йил 11 майдаги 16-2038-хат билан маълумотнома киритилган.

Бошқарма бошлиғи П.ТАНГРИЕВ.

Туман ҳокимининг ўринбосари, «Бободехқон бозори» ОТАЖ кузатув кенгашининг (ўша пайтдаги) раиси А.Бозоров бошқарув раиси 3.Алимардоновга нисбатан чора кўриш ўрнига шу йилнинг 11 декабрда бўлиб ўтган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида 3.Алимардонов тақлиф қилган бизнес режа акциядорлар умумий овозининг 75 фоизини ололмаган бўлса-да, яна бошқарув раиси этиб сайланди.

Орадан кўп вақт ўтмай ҳоким ўринбосари ўзгарди. Ушбу лавозимга янгидан тайинланган 3.Орипов ҳам вазифасига кўра

зилганини куйидаги ҳужжат ҳам тасдиқлаб турибди:

1. Кун тартибидagi 1-масала, яъни жамият кузатув кенгаши низомининг янги тахририни тасдиқлаш масаласи «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги қонуннинг 65-моддаси 18-хатбошисига тааллуқли бўлганлиги сабабли бу ҳақдаги қарор умумий йиғилишда қатнашаётган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Юқоридагиларга асосан умумий йиғилишда 62,8 фоиз овоз олган кузатув кенгаши низоми тасдиқланмаган ҳисобланади.

2. Кун тартибидagi 2-масала, яъни жамиятнинг низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласи ҳам юқорида таъкидланган қонуннинг 16-моддасига асосан тўртдан уч қисм овоз ололмагани боис тасдиқланмаган ҳисобланади.

3. Кун тартибидagi 3-масала — жамият кузатув кенгаши ҳамда акциядорлар томонидан жамият ижроия органи раҳбари лавозимига тавсия қилинган номзодларнинг 2004 йил бизнес-режасини танлов йўли билан тасдиқлаш ҳам жамият низомининг 9-бўлим 9.6-бандига кўра умумий йиғилишда қатнашаётган акциядорларнинг 75 фоиз овози билан тасдиқланиши лозим эди. 62,8 фоиз овоз билан тасдиқланган қарор эса жамият низомига зиддир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бошқарма акциядорлик жамиятига куйидаги кўроатмини беради:

1. Жамият кузатув кенгаши мажлисида умумий йиғилишни қайта чақиртиш масаласи кўриб чиқилсин.

2. Қонун талаблари асосида акциядорларнинг йил якунига бағишланган йиғилишида юқорида

Ушбу расмий ҳужжат-да агар кўрсатма ўз вақтида бажарилмаса тегишли қонунга мувофиқ энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдориде жарима қўлланиши ҳам алоҳида таъкидланган. Аммо кўрсатманин 1- ва 2-банди умуман бажарилмади. 3-масала, яъни бошқарув раисини сайлаш масаласи 2004 йилнинг 28 июнида кўриб чиқилганда ме-нинг бизнес режам кўпчиликка маъқул келди ва акциядорларнинг 75 фоиздан кўп овозини олиб, бошқарув раиси этиб сайландим. 1- ва 2-кўрсатмаларнинг бажарилмагани учун жамият акциядорлари олиши лозим бўлган дивиденд ҳисобидан 783.500 сўм жарима тўлашга мажбур бўлдик.

Мен бошқарув раиси сифатида ишлаган 2004 йилнинг иккинчи ярми учун тасдиқланган бизнес режа бўйича жами тушум 78.000.000 сўм ўрнига 89.584.000 сўмга (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 133 фоиз), соф фойда эса режадаги 12.990.000 сўм ўрнига 13.007.000 сўмга, дивиденд тўлови эса 10.405.000 сўмга тақазилди ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 289,1 фоизни ташкил этди.

Аммо афсуски, бир неча йилдан бери бажарилмай келаётган режаларнинг зиёди билан бажарилгани, акциядорларнинг мўмайгина дивиденд олганлиги, давлат бюджетига қутилганидан ҳам кўп маблағ келиб тушгани туман ҳокимлигидагиларга ёқмади шеклли. Агар шундай бўлмаганида, 2005 йилнинг 11 июл кунини бўлиб ўтган акциядорларнинг умумий йиғилишида жамият бошқаруви раисининг фаолияти қонунчи деб топилмаган, аксинча, эришилган ютуқларга муносиб баҳо берилган бўлар эди. Аслида эса эскичасига ишлашга кўникиб қолган раҳбарлар бозорда ўрнатилган янги тартибни тан олганлари келмади. Давлат ва жамиятга фойда келтирмаса ҳам ўзларига маъқул кадрни яна жойига қайтариш мақсадида юқорида қайд этилган қонунбузарликни такрорлаш орқали бўлса-да, яъни «бир акция — бир овоз эмас, балки бир акциядор — бир овоз» усулини қўллаб, яна 3.Алимардоновни бошқарув раиси этиб сайлашга эришилди.

Аслида 2000 йилдан бозорни бошқариб келаётган 3.Алимар-

донов биринчи сайловдан тортиб то охиригисигача қонуний йўл билан эмас, кузатув кенгаши раисларининг сийлови билан ушбу лавозимни эггаллаб келяпти. Акциядорлар бу ҳолатдан норози бўлиб фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судига, сўнг вилоят судига мурожаат этишди. Аммо тармоқни назорат қилувчи идоралар — ДМҚ ҳудудий бошқармаси ҳамда Қим-

матли мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг вилоят бўлими мутахассислари хато деб топган ҳолатларни судлар тўғри дея хулоса чиқардилар... Буларни ёзишдан мақсад мансаб талашин эмас. Мен пенсиядаги одамман. Оилавий акцияларимиздан олаётган дивидендлар ҳисобига ҳам бемалол яхши ҳаёт кечиршим мумкин. Аммо давлат идораларидаги баъзи мансабдорларнинг қонунларни менсимайтганлиги, уларга оқибдан очик амал қилмаётганидан ранжиб қўлга қалам олишга мажбур бўлдим. Рост-да, аслида ноқонуний кузатув кенгашига ноқонуний раис бўлиб олганлар ноқонуний мажлис ўтказиб, ҳатто акциядорларнинг умумий мажлисига доир эълонни чоп эттиришида ҳам қонунбузарликка йўл қўйганлиги, ўтказилмаган кенгаш мажлисига жамиятнинг эмас, давлат ташкилотининг муҳирини босиб, матбуот ҳодимлари чалғитишдан ҳам тап торتماйдиганларни кўриб туриб индамаслик мумкинми, ахир?!

Айниқса, президентимизнинг мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги фармон ва қарорларидан барча мулкдорлар бирдай қувониб юрган бир пайтда шундай номқабул ишлар учраб турганига сира ишонгиси келмайди одамнинг.

«Бозор ислохотларини чўқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш тўғрисида»-ги президент фармонининг 6-бандидаги: «Вазирлар Маҳкамаси, республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органилари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари қабул қилинган қонун ҳужжатларининг барча даражаларда амалда бўлишига қўйилган таъминлашнинг токи ҳар бир фуқаро амалга оширилаётган ислохотларнинг аниқ ўзидеги натижаларини ҳис этсин», — деган кўрсатмалар наҳот Денов туманига тааллуқли бўлмаса?!

Йўлдош РАҲИМОВ,
Денов туманидаги «Бободехқон бозори» ОТАЖ акциядори

ТADBIRKORGA «AMNISTIYA»

Корхонамиз ишлаб чиқаришга йўналтирилгани боис жорий йилининг дастлабки икки ойида 750.000 сўмлик товар сотган эдик. Бироқ, ҳисобот вақтида бош ҳисобчи хатоликка йўл қўйиб, фойданинг бир қисmini нотўғри ҳисоблаши оқибатида даромад яширилгандай бўлиб қолган. Бу хатолик эса яқинда солиқ инспекциясидан келган текширувда аниқланиб, даромад қасддан яширилгандай бўлиб қолди. Солиқ инспектори текширувни якунлаб, аниқланган хатолик бўйича материалларни судга ошириб юборибди. Бунинг учун қандай жазо қўлланилиши мумкин?

Z.TURG'UNOV,
Samarqand viloyati

Агар ушбу қонунбузилиш МЖТКнинг 174-моддасининг 1-қисми талаби бўйича баҳоланган бўлса, бундай қилмиш учун мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Бироқ, 2005 йил 24 июндаги «Тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги президент фармонида кўра, материал суд инстанциясига топширилган ҳолларда содир этилган ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини бир ой ичида ихтиёрли равишда қоплаган ҳамда унинг оқибатларини бартараф этган, ҳумладан пеня тўлаган тадбиркорлик субъекти молиявий санкциялар қўлланилишидан озод этилиши белгилаб қўйилди.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: huquq@mail.ru

«HUQUQ»

Маслахатлари

QAY BIRI AFZAL?

Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар нима ва улар хусусий корхонадан нимаси билан фарқланиши тўғрисида тушунча берсангиз.

D.RUSTAMOV,
Qashqadaryo viloyati

Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорда улушларга бўлинган ҳўжалик жамияти масъулияти чекланган жамият деб ҳисобланади.

Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар холос.

Қўшимча масъулиятли жамиятлар ҳам масъулияти чекланган жамиятлар каби ташкил этилиб, иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан ҳамма учун бир хил бўлган ва қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган каррали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўлиши билан фарқланади.

Қўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари жавобгарлигининг энг юқори миқдори жамиятнинг уставидан назарда тутилади.

Иштирокчилардан бири банкрот бўлиб қолганда унинг қўшимча масъулиятли жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида жавобгарликини тақсимлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, бошқа иштирокчилар ўртасида уларнинг қўшган ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятлар қонунда белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида бошқача тарзда иштирок этишга, ваколатоналар ва филиаллар тузишлари мумкин.

Хусусий корхона эса бундай жамиятлардан ягона жисмоний шахс томонидан тузилиши ва бошқарилиши билан фарқланади.

BIRI KETSA, BOSHQASI...

Тадбиркорлик фаолияти ва уни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича бир қатор имтиёзлар берилди. Тадбиркорлик фаолиятини текшириш бўйича қандай ўзгариш бўлди? Чунки текширувчи органлардан бири кетса, орқасидан бошқаси кириб келиш ҳоллари кўп учрайди-да??

R.NAZIROV, tadbirkor, Andijon viloyati

«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги президент фармони қабул қилиниши билан 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб Давлат солиқ қўмитаси ва Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда уларнинг бўлинмаларидан ташқари назорат қилувчи органлар тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини режалар тартибда ҳам, режадан ташқари ҳам текшириш, тафтиш ўтказиш ҳуқуқига эга эмаслиги белгилаб қўйилди.

Тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини солиқ хизмати органлари томонидан текшириш (тафтиш қилиш) давомидан бошлаб солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланса, текшириш ишлари Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан амалга оширилади.

Агар назорат қилувчи органларнинг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказса, бунинг учун жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган қоралар қўрилиши мумкин.

Фақат кўзга тилинган жиноий иш юзасидан текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки шундай текширувларни ўтказиш тўғрисида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарори мавжуд бўлгандагина тадбиркорлик субъектнинг текширилиётган ҳўжалик юриси тўғрисидаги баъзи ўзгаришларга мўжиб бўлган тарзда текширишга йўл қўйилади.

Мўжиб текширишларни ўтказиш чоғида тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш амал этилади.

JAZONI KIM QO'LLAYDI?

Янги тартибга кўра, тадбиркорлар фаолият давомида хато ёки камчиликка йўл қўйса, жавобгарлик қораларини солиқ ва шу каби текширувчи органлар қўллаш ваколати олиб ташланганлиги тўғрисида?

L.DAVRONOV,
Qo'qon shahri

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан ҳўжалик юриси тўғрисидаги фаолиятини текшириш чоғида аниқланган қонунбузилишлар юзасидан қонунда назарда тутилган ҳолларда молиявий ёки маъмурий жазо қораларини қўллаш ваколати олиб ташлангани йўқ. Бироқ, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги президент фармонида мувофиқ 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан фақат суд орқали қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир қоралари тартиби белгиланиб, уларга:

- фаолиятни тугатиш;
- фаолиятни тўхтатиб қўйиш. Фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига бошқа ҳақиқий хавф-хатар юзага келишининг олдини олиш муносабати билан фаолиятни кўпи билан ўн иш кунигача тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно;
- банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш борасида аниқланган ҳоллар бундан мустасно;
- молиявий санкцияларни қўллаш. Солиқ ва йиғимларни тўлаш мuddатини ўтказиб юборганлик учун пеня қўйиш, шунингдек тадбиркорлик субъекти содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига икром бўлиш ва молиявий санкция жарималарини ихтиёрли равишда тўлаш ҳоллари бундан мустасно;
- ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш;
- тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шугулланиш лицензияларини ўн иш кунидан кўпроқ мuddатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш (Вазирлар Маҳкамасининг комиссиялари ва Марказий банк томонидан берилган лицензиялар бундан мустасно) каби ваколатлар киритилди.

IMTIYOZ QACHONDAN AMAL QILADI?

Яқинда эълон қилинган президент фармонида кўра янги ташкил этилган фирмалар бир йил мuddатга солиқ тўлашдан озод этилиши белгиланди. Бундай имтиёз қачондан бошлаб амал қилади? Яна солиқ тўловига ўтказилган корхоналар бошқа солиқ турларини тўлашдан озод қилинадими? Улар ягона солиқ тўловига қачондан ўтказилади?

Sh.TO'RAYEV, Samarqand shahri, Zarafshon ko'chasi

Янги ташкил этилаётган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этиш эмас, балки уни тўлаш мuddатини бир йилга кечиктириш имтиёзи берилди. Имтиёзли давр тугагач, кечиктирилган суммани тенг улушларда 12 ой давомида тўлаш ҳуқуқи белгиланди. Ишлаб турган микрофирма-

лар ва кичик корхоналарни ягона солиқ тўловига ўтказиш, шунингдек янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини тўлашни бир йилга кечиктириш 2005 йилнинг 1 июлидан амалга киритилди.

Бундай корхоналарни ягона солиқ тўловига ўтказиш «Микрофир-

малар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги президент фармонида мувофиқ, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, республика йўл жамғармаси ва мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига жорий этилди.

ZARARNI KIM TO'LAYDI?

Тадбиркорлик фаолиятини ноқонуний текшириш натижасида етказилган зарарни ким тўлайди?

H.BORATOV,
Marg'ilon shahri

Давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки шў органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари натижасида тадбиркорга етказилган зарарнинг ўрни суд қарори асосида бевоқиф аша шу давлат органлари томонидан тўла ҳажмда қопланади.

HUQUQIY KAFOLAT

Фаолиятини ўрганиш бўйича режавий текширишга келишганда тадбиркор қандай йўл тутishi ва нималарга эътибор қилиши керак?

J.ELTOYEV,
Toshkent viloyati

Тадбиркор биринчи навбатда фаолиятини текширилиши тўғрисидаги тўлиқ ахборотга эга бўлиши лозим. Ундан ташқари:

- текширувчи мансабдор шахс(лар)дан махсус ваколатли орган ёки унинг худудий бўлинмалари қарорини, текшириш ўтказиш учун асос ҳисобланувчи бошқа ҳужжатларни талаб қилиш, текширувчи(лар)нинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишиш;
- текшириш ўтказиш учун асосга эга бўлмаган шахс(лар)ни текшириш ўтказишига йўл қўймайлик, текширув-

чи мансабдор шахс(лар)нинг ваколатига кирмайдиган масалаларга оид талабларини бажармаслик ва текшириш предметига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмайлик;

— текшириш туганидан сўнг ўн кун мuddат ичида текшириш натижаларини акс эттирувчи ҳужжатнинг бир нусхасини олиш;

— қонунда белгиланган тартибда текшириш натижаларини устидан шикоят қилиш каби ҳуқуқларга эгаллигини билиш керак.

Саволларга Республика Бош прокуратурасининг бошқарма катта прокурори Н.Солиқов жавоб берди

UCHRASHUV

Абдухалиқ АБДУРАЗЗО-КОВ:

— Англия ва Америка сиёсатчилари Андижон воқеаларига ноҳилис баҳо бериб, аскарлар тинч аҳолига қарата ўқ узди дейишмоқда. Россиядаги айрим газеталар: «Бу ҳаракатларнинг тасвирини Америка, Европа турибди. Улар «Ўзиб ташла ва бошқар» деган сиёсатни юртмаляпти. Мана, Украинани биздан ажратди, Кавказни ажратди, энди навбат Марказий Осиёга келди», — деган гапларни эъмоқда.

— Авваламбор, фарб дунёсида, хусусан Англияда шундай бир позиция борки, бу ҳақда Черчилл бир пайтлар: «Англиянинг абадий дўстлари йўқ, абадий манфаатлари бор», — деган эди. Масалан, Ҳиндистон ва Ҳиндихитой давлатларига нисбатан олиб борган сиёсатида ҳам, узоқ асрлар мобайнида давом этиб келаётган Уртаосиё масалаларида ҳам Англия билан Россия доим тортишиб келган. Уртаосиё бойликлари, ҳалол, меҳнаткаш халқи-ю, геостратегик манфаатларидан фарб ҳеч қачон воз кечмайди. Саволни жуда тўғри бераёйсиз, бугун Уртаосиёни бўлиб ташлаш, катта бир аланга чиқариб, майда-майда давлатларни барпо қилиш ва бу ернинг табиий бойликларини ўзлаштириш фарб давлатларнинг манфаатига мос келади. Фарб дунёси, айниқса Англия ва Америка қаерда нефт ва газ кўп бўлса, ўша ерда демократия ўрнатгиси келиб

фарб дунёсининг таъсири катта. Ҳозир Қирғизистон қарийб 2,5 млрд. доллар қарзга ботган. Шунинг 1,8 млрд. доллари ташқи қарз. Фарб бир томондан демократия, бир томондан озодлик ороли нисқоби остида Қирғизистонни иқтисодий ботқоқликка олиб кириб қўйди. Улар мана шу сценарийни Ўзбекистонда ҳам такрорламоқчи бўлишди. Бир пайтлар матбуотда буюқдавлатчилик шовинизми кайфиятлари билан чиққан Жириновский бугун Ўзбекистонни қўллаб чиққанлигидан киши ҳайратга тушади. У Ўзбекистон раҳбариятининг тўғри йўл тутганини, бу Америка ва Англия сценарийси эканлигини, улар Уртаосиёда жуда катта тўполон чиқармоқчи эканлигини эътироф этади.

Масала янада кенгроқ қарайдиган бўлса, президентимиз бир маърузасида: «Урушда англиш (?) мумкин, лекин тинчликда галаба қозониш жуда қийин», — деган эди. Бу ишора Ироққа нисбатан қўлланган, яъни Америка

нингча, яна кимлар Ўзбекистонни ҳимоя қилиши мумкин?

— Аввало газетхонларга яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман. Президентимиз барқарор ташқи сиёсат, дипломатия, халқро ҳуқуқ нормаларига мос келадиган сиёсат тарафдори. У киши Андижон воқеаларидан бир неча кун ўтгач, БМТ бош котиби Кофи Аннан жабонлари билан телефон орқали суҳбатлашиб, агар лозим бўлса Ўзбекистон халқро комиссияни жалб қилиши мумкинлигини айтган. Ҳозир ўзимизнинг қонунчилик палатамиздан 11 киши, сенатдан 5 киши, жами 16 кишилик комиссия иш олиб бораёпти. Айрим давлатларнинг элчихоналари ҳам ишчи гуруҳлари тузган. Тек-

бош котиб раҳбарлик қилади. АҚШ, Англия, НАТО давлатлари БМТдан ҳеч қандай мандат олмасдан туриб Югославияга бомба ёғдиришди, Ироққа ҳужум қилишди. Шунга ўхшаш ўғлаб мисолни келтириш мумкин. Бир гапни айтиш ўринлики, 1999 йили айнан НАТО кўшинлари, аниқроғи, Америка ҳарбий ҳаво кучлари Белградда Хитой элчихонасини бомбардимон қилди. Ўғлаб хитойлик дипломатлар ҳалок бўлди. Ушанда воқеага оидлик кириштиш учун Хитой комиссия тузиш-

Шундай экан, нима учун улар мана шу нарсани охирига етказишмапти? Ахир Андижон воқеалари терроризмнинг ёрқин намоиши-ку. Олдиндан тайёргарлик қўрилганлиги, бунда Афғонистоннинг, аниқроғи, толибларнинг кўли борлигини фарб жуда яхши билади. Шундай шароитда Лондонда «Ҳизбут-таҳрир»нинг штаб-квартираси бўлиши, «ал-Қоида»нинг турли қанотлари штаб-квартираларини очиб қўйиши 7 июл кунги Англиянинг ўзида портлашларга олиб келди. 60 га яқин

6 та давлат аъзо. Бундан ташқари 4 давлат — Покистон, Ҳиндистон, Эрон ва Мўғулистон кузатувчи мақомига эга. Уларнинг иккитасида атом қуроли мавжуд. Менинг ишончим комилки, ШХТ ҳеч қачон ҳарбий блок бўлмайди. Бош мақсад — интеграция масаласи. ШХТ соф иқтисодий-миллий тўтувликни йўлга қўядиган минтақавий бир ташкилот бўлиб қолади.



талаб қилди, лекин комиссия тузилмади. Ироқ воқеаларига кенгроқ тўхталадиган бўлсак, Американинг ҳам халқ олдида, кенг жамоатчилик олдида ва жаҳонда ҳам қонли воқеалар бўлган. Аслида ислом тинчликка даъват қилувчи диндир.

дан ҳам холи эмас. Ҳақиқатан ҳам Горбачев даврида 1991 йил 17 мартда бўлиб ўтган воқеалар китобда эътироф этилмаган. «Халқимиз у пайтлар қоққ эди, сиёсий жиҳатдан етук эмас эди» деган фикрдан йироқман. Тўғри, биз тоталитар тузум ичиде эдик. Жуда оғир даврларни бошимиздан кечираётгандик. Фарғона, Ўш, Узган воқеалари, Тоғри-ривми, «Ҳизбуллоҳ» бўладими, айнан ислом номидан ҳаракат қилмоқда. Аслида ислом тинчликка даъват қилувчи диндир.

шаҳридан, онам раҳматли Хоразмдан. Турмуш ўртоғим Гуландом Раҳимберганова ҳам хоразмлик. Тошкент давлат юридик институтида катта ўқитувчи бўлиб ишлайди, тарихчи. Оллоҳга беҳисоб шукрки, 5 та фарзандимиз бор. 4 таси олий маълумотли. Биттаси нафис санъат лицейида аъло баҳоларга ўқимоқда. Ўқиб-ишлаб, халқимизга хизмат қилиб юришгани учун улардан розиман.

«НУҚУҚ»НИНГ БУГУНГИ МЕҲМОНИ СИЁСИЙ ШАРҲЛОВЧИ КОБИЛБЕК КАРИМБЕКОВ

Геосиёсат ва геостратегик манфаатлар

Шавкат ЁДГОРОВ:

— Ўзбекистоннинг Ироқ масаласида позицияси қандай?

— Ироқ теваригидаги воқеалар бунга Ўзбекистоннинг позицияси 2002 йилнинг ноябрида президентимизнинг Прагада сўзлаган нутқида ифодаланган. АҚШ билан биз стратегик ҳамкорликдан воз кечганимиз йўқ. Бугун ҳам ҳамкорликка тайёرمиз. Албатта, терроризмни қўллайдиган ёки террорчи Андижонни портлатаётганда келиб томошабин бўлиб турадиган стратегик ҳамкордан наф қутмаган маъқул. Шу боис кейинги пайтларда фарб давлатлари билан муаммолар пайдо бўлди. Ироқ масаласида Ўзбекистон бугун ҳам жангариларга, терроризмга қарши эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Америка Ироқда қанча узоқ қолиб кетса, бу унинг манфаатига шунча зарар. Бу ҳолат иккинчи Ҳиндистонни, Ветнамни келтириб чиқариши мумкин.

Шу боис Ўзбекистон Ироқда тизроқ тинчлик ўрнатилишининг тарафдори.

Ироқда сайловлар бўлиб ўтди, конституция қабул қилинди. Муваққат ҳукумат иш олиб бормоқда. Анча ўзгаришлар бор. Жаҳон ҳамжамияти ёрдам кўрсатаёпти. Лекин бу ерда битта давлатнинг диктатурасига Ўзбекистон қарши. Ироқдаги бутун воқеаларга Американинг 140.000 аскарни бошқоқ бўлмоқда. Таққосланг, Ироқда Англиянинг 11.000, Италиянинг 3000, Украинанинг 700, Польшанинг 1000 га яқин аскарни бор ва ҳоказо. Лекин шундай бўлган маъқул. «Андижон воқеалари хусусида комиссия тузиш керак, чет элдан мутахассисларни чақириш керак» деган фикрнинг илгари суришяпти. Нега АҚШнинг ўзи Белградни бомбардимон қилганда, Америка аскарлари Ироқда юзлаб Италия аскарларини билмасдан отиб қўйганда комиссия туздирилмади? Ёки бир йилдан кўпроқ вақт мобайнида Бағдоддаги «Абу Греф» қамоқхонасида минглаб ироқлик маҳбуслар азорланган. Халқро ҳамжамият бу борада ҳам комиссия тузишни

хон аҳли олдида жавоб берадиган жойлари бор.

Ҳасан НИШОНОВ:

— Террор ҳақида гап кетганда доим Фаластин, Исроил, Чеченстондаги портлашлар тилга олинади. Террорчиларни оқламоқчи эмасман. Аммо масалага бошқа томонда ёндашганда фаластинликлар ҳам, чеченлар ҳам мустақил давлат куриш учун курашяпти деб бўлмайди.

— Мустақилликка, озодликка эришиш учун баданига бомба бот-

тилган. Аммо буларни қўпол сиёсий хато деб бўлмайди. Аммо минтақамизнинг геостратегик манфаатлари, Ўзбекистоннинг минтақадagi иқтисодий, сиёсий манфаатлари ҳақида гап кетганда мен Марказий Осиё ибораси тарафдориман.

Ҳасан НИШОНОВ:

— Яқинда «Ўзбекистоннинг янги тарихи» деган дарслик чиқибди. Уни арақлаб кўрсанг мустақиллик арафасидаги воқеалар атрофида баҳоламангандек



қолади. Президентимиз 14 майда Оқсаройда бўлган йиғилишда ҳам, 17 майда Бош прокуратурада ўтказилган йиғилишда ҳам бу ҳақда айтиб ўтган эди. Бунга мисоллар жуда кўп. Бугун негадир баъзи оммавий ахборот воситалари уларнинг сиёсатида хизмат қилмоқда. Аравага чиққандан сўнг қўшиғини ҳам айтасан-да, деганлари шу бўлса керак.

Андижон воқеаларидан келиб чиқадиган бўлса, бунда фарб сценарийси, ҳукуматга қарашли бўлмаган турли ташкилотларнинг ҳам таъсири борлиги ҳақида фактлар мавжуд. Бунга айниқса Қирғизистон мисолида қўриш мумкин. Чунки Қирғизистон Фарғона водийсини уч томондан ўраб олган чегарадош мамлакат ҳисобланади. Бугун Қирғизистоннинг қийин аҳволга тушишида

урушда Ироқни енгиб чиққан бўлиши мумкин, лекин икки йилдан ошдики, демократия ўрнатолмади. Геостратегик нуқтани назардан бир замонлар Афғонистонни, Эронни қўлдан бериб қўйган фарб янги макон исламоқда. Бу макон собиқ СССР парчалангач, Уртаосиё бўлиб қолди. Улар Ўзбекистонда Тожикистон, Қирғизистон вариантини қўлламоқчи. Бундан халқимиз огоҳ бўлиши керак. Президентимиз 1994 йили маърузаларидан бирида: «Агар сотқин ўзимиздан чиқмаса, Ўзбекистонни ҳеч ким ерда олмади», — деган эди. Орандан 11 йил ўтса ҳам бу гап жуда муҳим деб ўйламан.

— БМТ Хавфсизлик кенгашида Ўзбекистон масаласи кўрилади, баъзи сиёсатчилар Россия Ўзбекистонни ҳимоя қилиш чиниши ҳақида айтишмоқда. Сиз-

маси жаҳон аҳлига рўй-рост маълум қилиб борилаёпти.

Сиз кўтарган масала жуда ўринли. Албатта, БМТ дунёнинг тинчлик хонадони. Унинг пештоқи шайх Саъдийнинг «Кўринишимиз, тилимиз ҳар хил бўлсада, қонимиз битта. Қонимизнинг ранги битта» деган маънодаги сўзлари ёзилган. Демак, биз БМТга ишонамиз. Лекин бугун БМТга ким кўпроқ пул тўлаётган бўлса, ўша ўзининг мусиқасини буюртма қилмоқда. Албатта гап ким ҳақида кетаётгани маълум. Очигини айтганда, собиқ бош котиблардан Бутрос Фолей Америка манфаатига унчалик хизмат қилмайдиган одам эди. Бугун ҳам Кофи Аннан Америка сиёсатида унчалик мос келмайдиган одам ҳисобланади. Кофи Аннанинг ваколат мuddати тугаб бормоқда. Бир неча ой ўтиб, БМТга бошқа

ни талаб этди. Лекин Америка оёғини тираб туриб олиб, ҳеч қандай комиссия тузишга имкон бермади.

Биз БМТга ўғлаб таклифлар киритганимиз. Марказий Осиёни ядросиз ҳудуд қилиш, террорчиларнинг рўйхатини тузиш, марказларини топиш, антитеррор марказларини тузиш ва ҳоказо. БМТ Ўзбекистоннинг бу таклифларини махсус ҳужжат сифатида қабул қилди. Лекин дадил қадамлар қўйилмади. 2002 йил октябр ойда Кофи Аннан жабонлари Ўзбекистонга келди. Президентимиз аниқ таклифларни илгари сурди. БМТ Хавфсизлик кенгашини Германия, Япония ҳисобида кенгайтириш кераклигини 10 йил илгари президентимиз айтган эди. Ўзбекистоннинг БМТнинг ваколати ва мавқени ошириш масаласидаги, Орол, экология, наркогрессия, терроризмга қарши кураш таклифлари долзарб эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Лекин нима учундир сукут сақланмоқда. Чунки, глобал сиёсатда айрим мамлакатлар кучли давлатларнинг соясида қолиб кетаётганлиги бугунги воқелидан кўришиб турибди.

Ҳасан НИШОНОВ:

— СССР тарқалиб кетгандан сўнг, дунё бир қутбга бўлиб қолди. Ҳамма соҳада Америка яхши ҳақоқимликка иштироляпти. Ҳозирги жараёнлар ҳам шундан келиб чиқаятирлигини айтишгиз. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти келажакда НАТОга қарши турадиган, яъни кучлар нисбатини мувозанатга келтирадиган ташкилот бўлиши мумкинми?

— Авваламбор, ШХТни НАТОга ёки бирор-бир ҳарбий, иқтисодий, сиёсий ташкилотга қарши қўядиган бўлсак, бу бизнинг манфаатларимизга мос келмайди. Афсуски, айрим ахборот воситаларида, хусусан Россия ва Европанинг айрим нашрларида ШХТ ҳақида НАТОга мўқобил ташкилот пайдо бўлмоқда деган қарашлар ҳам йўқ эмас. Бундай фикрдан йироқ бўлган маъқул. Чунки ШХТ — иқтисодий-минтақавий ташкилот. Бугун у тўлиқ шаклланиб улгурди. Барқарор сиёсат олиб бормоқда. Мен ўйлаяманки, ШХТнинг келажакдаги йўли, ШХТнинг 20-30 йиллик дастурига эга. Унга бирорта НАТО давлати ҳам аъзо бўлиб кириши эҳтимолдан холи эмас. Ташкилотнинг эшикларини ҳамма очқ. Ҳозирнинг ўзида унга 2 та ядровий давлат — Россия ва Хитой, бизнинг минтақамиздан Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, жами

Ҳасан НИШОНОВ:

— СССР тарқалиб кетгандан сўнг, дунё бир қутбга бўлиб қолди. Ҳамма соҳада Америка яхши ҳақоқимликка иштироляпти. Ҳозирги жараёнлар ҳам шундан келиб чиқаятирлигини айтишгиз. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти келажакда НАТОга қарши турадиган, яъни кучлар нисбатини мувозанатга келтирадиган ташкилот бўлиши мумкинми?

— Авваламбор, ШХТни НАТОга ёки бирор-бир ҳарбий, иқтисодий, сиёсий ташкилотга қарши қўядиган бўлсак, бу бизнинг манфаатларимизга мос келмайди. Афсуски, айрим ахборот воситаларида, хусусан Россия ва Европанинг айрим нашрларида ШХТ ҳақида НАТОга мўқобил ташкилот пайдо бўлмоқда деган қарашлар ҳам йўқ эмас. Бундай фикрдан йироқ бўлган маъқул. Чунки ШХТ — иқтисодий-минтақавий ташкилот. Бугун у тўлиқ шаклланиб улгурди. Барқарор сиёсат олиб бормоқда. Мен ўйлаяманки, ШХТнинг келажакдаги йўли, ШХТнинг 20-30 йиллик дастурига эга. Унга бирорта НАТО давлати ҳам аъзо бўлиб кириши эҳтимолдан холи эмас. Ташкилотнинг эшикларини ҳамма очқ. Ҳозирнинг ўзида унга 2 та ядровий давлат — Россия ва Хитой, бизнинг минтақамиздан Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, жами



лаб портлатиш ёки мактабга кириб, ўзини-ўзи портлатиб юбориш шарт эмас. Мустақиллик учун кураш, Маҳатма Ганди, Жавоҳар-лаъл Неру тарихидан, Беҳбудий ва Авлонийлар тарихидан ўрганадиган бўлсак, ҳалол дипломатия, ўзининг поклиги, ҳалоллиги, этиқода минглаб ироқлик маҳбуслар азорланган. Халқро ҳамжамият бу борада ҳам комиссия тузишни

Абдухалиқ АБДУРАЗЗО-КОВ:

— Қобилбек ака, суҳбатимиз жуда қизиқ бормоқда. Сиёсатдан бироз четланиб, севимли маъшуғотимизга, қандай бадиий китоблар ўқийсиз, нималарни ёқтирасиз, қаерда туғилиб ўсгансиз, умуман, ўзингиз ҳақиқинда ҳам гапирсангиз.

— Отам раҳматли Тошкент

Бахтиёр НАЗАРОВ:

— Хорижий тиллардан қайси бирини биласиз?

— Тил масаласида мактадан диган жойим йўқ. Аммо ҳар қандай аудиторияда бемалол икки соат рус тилида маъруза қила оламан. Ўзбек тили ўзининг она тилим. Немис тилидан луғат ёрдамида таржима қиламан. Бунинг сабаби мен ўқиган Чилонзордаги мактабда ҳам, университетда ҳам немис тили кучли ўтилган. Бу тилни зўр билан демайман-у, Чехияга, Голландия ва Францияга борганимда менга анча асқотган.

Сўхбатни Фазилат ЁДГОРОВА ёзиб олди



Саҳифаларимизда Наманган вилояти ҳуқуқ-тартибот органлари

рининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича яқинда қабул қилинган фармон ва қарор ҳусусида тўхталсангиз.

— Дарҳақиқат, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон ва «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисоб-бот тизимини такомиллаштириш ва уни ноконуний талаб этганлик учун жавобгарлиқни кучайтириш тўғрисида»ги қарор тадбиркорлар учун жуда катта имкониятлар яратди. Вилоят прокуратураси органлари фармон ва

га оширилди.

Масалан, прокуратура органлари томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунлар ижроси ўрганилганда давлат бюджетидан ана шу мақсад учун ажратилган маблағларни айрим шахслар талон-тарож қилаётганликлари аниқланди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан «Халқ банки»нинг Поп туман бўлими 4-шаҳобчасида текшириш ўтказилди. Унда маълум бўлишича,

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ПРОКУРОРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ Ж. НИЗОМОВ БИЛАН СУХБАТ

Тинчлик — бу юк неъмат

— Жамолддин ака, айни пайтда кутлуғ сана — мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида турибмиз. Халқимиз бу тантангага пухта ҳозирлик кўряпти. Бундай байрамларга осойишталик ярашади.

— Албатта, хурсандчиликлар эртасига ишончи бўлган одамнинггина кўнглига сиғади. Тинчлик — бу юк неъмат, уни асраб-авайлашимиз, қадрига етишимиз керак. Лекин истиқлолга эришганимиздан буён осуда ҳаётимизни кўрламаётган галямислар аҳён-аҳёнда бош кўтараётгани, улар орасида айрим юртдошларимиз ҳам борлиги гоё ачинарлидир. Яқинда рўй берган Андижондаги тўс-тўполонларнинг ҳам ижрочилари кимларнингдир қўлида кўғирчоқ бўлаётган ҳамюртларимиз эканлиги ҳаммага маълум. Биз энг аввал мана шундай кимсаларга қарши курашишимиз керак.

Шу мақсадда турли экстремистик оқимларга мойил кишиларни аниқлашга киришдик. Олиб борилган тадбирларда аниқланишича, Наманган шаҳрида яшовчи Ж.Исаков шериги Х.Ходжиев билан бир гуруҳ фуқароларни «Ҳизбут-таҳрир» жиноий ташкилотига жалб қилиб, конституцион тузумга қарши даъват қилган. Ж.Исаковнинг хонадонидан «Ҳизбут-таҳрир»нинг варақалари далилий ашё сифатида олинди.

Андижон фожеаларидан сўнг мана шундай ҳолатлар юзасидан 4 кишига нисбатан ЖКнинг 159-ва 158-моддаларига асосан жиноят иши кўзгатилди.

Ота-боболаримиз орзу қилган истиқлолни асраб-авайлаш бизнинг бурчимиздир. Зеро, мустақиллик тўғрисида ҳаётимизда янги давр бошланди. Барча соҳаларда туб ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, кўнунчилигимизда, уларнинг ижросини таъминловчи прокуратура органлари фаолияти ҳам. Бунини мустақилликка эришганимиздан буён юзлаб қонунлар қабул қилинган мисолида яққол кўриш мумкин. Айниқса, конституциямиз ва унга асосланган «Прокуратура тўғрисида»ги қонун прокуратура органлари фаолиятининг асосий мезонига айланди.

— Республика президенти томонидан тадбиркорлик субъектла-

қарор ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишларни амалга оширмакда.

Масалан, Наманган шаҳар прокуратураси томонидан мана шундай масалалар юзасидан текшириш ўтказилди. Унинг натижасига кўра, тадбиркорни ҳимоя қилиш ва бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан 2 та тақдимнома киритилди ва икки киши интизомий жавобгарликка тортилди. Тадбиркорларнинг 178.500.000 сўмлик ҳақларини ўндириш юзасидан ҳўжалик судларига 14 та даъво аризаси киритилди.

Қўнбузилишларнинг олдини олиш мақсадида тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган фармон ва қарорларнинг тарғиботи юзасидан тадбирлар режасини ишлаб чиқдик. Унда назорат органлари, тадбиркорлар ва аҳоли билан алоҳида-алоҳида суҳбатлар ўтказиши кўзда тутилган.

Жамоатчилик билан ҳамкорликни янада мустақамлашга алоҳида эътибор бераймиз. Бу ўз навбатида қонун устуворлигини таъминлашда самара берапти.

— Маълумки, қонунлар ижроси бўйича ўтказиладиган текширишларнинг сони эмас, самарадорлиги муҳим аҳамиятга эга. Бу борда қандай ишлар қилинапти?

— Кейинги йилларда вилоятда қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида ҳам бир қатор ишлар амал-

шаҳобчанинг ҳисобчи-назоратчиси Наргиза Раҳмонова 2 ва 16 ёшгача фарзандлари бўлган кам таъминланган оилаларга бериладиган 2.070.000 сўмини ўз манфаати йўлида ўзлаштириб юборгани аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилди, қонун устуворлиги таъминланди.

Вилоят прокуратураси органлари қонунлар ижроси юзасидан шу йилнинг ўтган даври мобайнида назорат тартибиде 434 дан зиёд текшириш ўтказиб, аниқланган қонунбузилишларни бартараф қилиш бўйича 528 та тақдимнома, 237 та протест киритган. Етказилган зарарни ўндириш ҳақида судларга 2.600.000.000 сўмлик даъво аризалари юборилди. Шунингдек, 62 та жиноят иши кўзгатилди.

— Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни жадаллаштириш, бу соҳада қонунчиликни таъминлаш борасида ҳам прокуратура органлари зиммасига қатна масъулият юкланган, шу ҳақда тўхталсангиз.

— Маълумки, Наманган аграр вилоят бўлиб, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида республикада ўзига хос ўрни бор. Шунинг учун биз қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни жадаллаштириш, капитал қурилиши ва саноатни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган қонунбузилишларнинг олдини олишга, меҳнат ва бандлик, ўзаро тўлов ва шартнома интизоми каби масалалар-



Наманган Давлат юридик коллежи

га алоҳида эътибор бераймиз.

Хусусан қишлоқ ҳўжалиги соҳасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят прокуратура органлари томонидан 300 дан зиёд текшириш ўтказилди. Уларнинг натижасига

кўра, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан жойларга 50 дан ортик тақдимнома киритилиб, 900 нафардан зиёд шахс келгусида қонунбузилишларга йўл қўймаклик ҳақида огоҳлантирилди. 49 та қонунга зид ҳужжатга протест келтирилиб, 45 та қўпол қонунбузилиш ҳолатлари бўйича жиноят иши кўзгатилди.

Бундай қонунбузилишларнинг олдини олиш мақсадида омма орасида ҳуқуқий тарғиботи кучайтиришга, яъни фуқароларнинг ҳуқуқлари билан бирга ўз бурчларини ҳам унутмаслиги кераклигини тушунтириб боришга алоҳида эътибор бераймиз. Энди фуқаролар нафақат ўз

ҳуқуқининг бузилишига, балки жойлардаги қонунбузилишларга ҳам бедар қараб туришмайди. Фуқароларнинг ҳуқуқий онги, маданияти юксалиб, прокуратура органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тобора мустақамлашиб бормоқда.

— Байрамолди тилакларингиз...

— 14 йил тарих учун қисқа фурсат. Мана шу фурсатда мамлакатимизда асрга татиғулик ишлар амалга оширилди. Тараққиётнинг биз танлаган, ўзимизга хос йўлимиз тўғрисида эканлиги яна бир қарра синовдан ўтди. Бунда оддий фуқародан тортиб, турли даражадаги ташкилотчи ва ташаббускор юртдошларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Қолаверса, конституция ва қонунларимизнинг халқчиллиги, адолат тамойлларига асослангани ютқларимизнинг омилли бўлмоқда. Зеро, қонун устувор юрт гуллаб-яшнайверади, обод бўлаверади.

«Нишқ» муҳбири
Абдуқошим МАДАТОВ
суҳбатлашди



Мардлар қўриқлайди Ватани!

БОШ МАСАЛА - ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК

Инсон борки, адолатли жамиятда эркин ҳаёт кечиришни истаيد. Мамлакатимизда мана шундай шароит яратилган. Жамиятимизни янада демократлаштириш сари салмоқли қадамлар қўйилмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар самараси ўлароқ қонунчилик тобора мустақамлашиб борапти. Истиқлол йилларида маънавий жиҳатдан эришган энг катта ютқларимиздан бири шуки, энди халқимизнинг ўзи ҳуқуқий саводхонлик сари иштиёқ билан интилмоқда. Қаерда ва қай шароитда бўлмасин қонунларга таяниш, уларга қатъий амал қилиш зарурлигини англаб етмоқда.

Афсуски, оранизда қонунларни четлаб ўтишга уринаётган одамлар ҳам учраб туради. Шундайлардан бири Уйчи тумани «Жийдакапа» қишлоқ фуқаролар йиғинининг Кумтөпа маҳалласида яшовчи Тожихон Охуновдир. У 5 нафар фарзандига нафақа олишнинг фойир-қонуний усулини ўйлаб топган.

Т.Охунова ҳеч қаерда ишламаса-да, бир неча йиллардан буён фаолият юритмаётган ўзининг «Валжихон» хусусий дўконига ишлаганлиги ҳақида қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб, бошқа ҳужжатлар билан маҳалла фуқаролар йиғинига топширди. Шу тариқа ўтган йили 102.828 сўм нафақа олишга эришди. Т.Охунованинг бу қилмишларида жиноят аломати бўлса-да, унга нисбатан давлатимиз раҳбарининг амнистия тўғрисидаги фармони қўлланиб, жиноят иши кўзгатилди рад этилган.

Биз ушбу ҳолат юзасидан туманимизнинг барча маҳалла фуқаролар йиғинларида суҳбатлар ўтказдик. Туманда содир этилган бошқа қонунбузилишлар юзасидан ҳам мана шундай ташвиқот олиб бораймиз. Тушунтиришларимиз самарасини бериб, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ортиб борапти.

Мухаммадали ҚИРГИЗБОВ,
Уйчи туман прокурори



Болалар ёзи дам олиш оромгоҳларида мириқиб ҳордиқ чиқаришмоқда.

Шу йилнинг 13 майга ўтар кечаси Андижондаги қамоқхонага қуролланган номаълум кишилар бостириб кириб, хунрезликлар содир этган ва у ердаги маҳбусларнинг қўлига қурол туқказиб, ўзларининг сафига қўшилишга мажбур қилишганди.

Шундан сўнг маҳбусларнинг айримлари ихтиёрий равишда ўзларининг яшаш жойидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига келишган бўлса, айримлари милиция ходимлари томонидан ушлаб келинди.

Жумладан, Р.Шарофиддинов 15 май куни Қирғизистоннинг Жалол-обод вилояти Новкент тумани ИИБ ходимлари томонидан қўлга олиниб, Учқўрғон туман ИИБга топширилди. Хуллас, 19 майга қадар 28 нафар маҳбус ихтиёрий ёки мажбурий равишда Намангандаги тергов ҳибсхонасига олиб келинди. Шундан буён уларнинг барчаси сўроқ қилиниб, олинган кўргазмалар вилоят ИИБ мутахассислари иштирокида атрофлича ўрганилаётти.

Уларнинг эгнидаги уст-бошлари текшириб кўрилди. Шунингдек, баданида жароҳат бор-йўқлигини аниқлаш мақсадида ҳар бир маҳбус тиббий экспертизадан ўтқа-



Айбунўқлар жазоланмайди


зилди. Жиноят аломатлари бўлган 4 маҳбуснинг хонадони ва ҳовлисида тинтув ўтказилиб, уларнинг яқинлари, қариндош-уруғлари сўроқ қилинди.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир маҳбуснинг Андижондаги воқеаларга алоқаси бор-йўқлиги албатта ойдинлик киритилади. Шунингдек, таъкидламоқчиманки, оммавий тартибсизликларда ўз ихтиёри билан иштирок этмаган, яъни қўли

қонга ботмаган шахслар жазоланмайди, аксинча улар қонун ҳимоясида бўладилар.

Мўминжон БОБОМИРЗАЕВ,
Наманган вилоят
прокуратураси бўлими бошқиси

Суратда: жиноятларни тергов қилиш бўлими терговчилари навбатдаги режа хусусида фикрлашяпти.



Илоҳим, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин бўлсин!

Поп туманидаги «Иттифок» ширкати тугатилиб, фермер хўжалиқларига айланishi жараёнида айрим мансабдорлар ерларни талон-тарож қилаётгани ва бунга чек қўйишда ёрдам беришларини сўраб Наманган вилоят прокуратурасига мурожаат этган эдик.

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

Араимиз бўйича вилоят прокуратураси текшириш ўтказди. Унда ширкатнинг ер тузувчиси Д.Мирзажонов хўжалиқни тугатиш комиссиясининг аъзоси бўла туриб, ваколатини суиистеъмол қилгани аниқланди. Яъни, расмий ҳужжатларни қалбақлаштириб, турмуш ўртоғи номига фермер хўжалиги ташкил этиш мақсадида 13,3 гектар ерни 10 гектар деб кўрсатган. Текшириш якунига кўра Д.Мирзажоновга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди. Шунингдек, туман ҳокимининг «Иттифок» ширкати фермер хўжалиқларига айлантириш тўғрисидаги қарорининг мазкур бандини бекор қилиш юзасидан киритилган протест тўла қаноатлантирилди.

Биз адолат қарор топгани учун вилоят прокуратурасининг кишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалиқ юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими ходимларидан миннатдоримиз.

Х.ЭРҚАЕВА,
Х.БОЛТАБОВЕВ,
Поп тумани.

Ҳабиб САЪДУЛЛА,
Ўзбекистон халқ шоири

Ватан

Менинг сендан ортиқ бойлигим йўқдир,
Сени еру қўкка ишонмам, Ватан!
Бағринг бутун бўлса, кўнглим ҳам тўқдир,
Осойишинг учун қалқонман, Ватан!

Менга муқаддасдир ҳар қафт тупроғинг,
Муруват тимсоли ширали боғинг,
Неъматларинг майли, ҳатто гунг тоғинг
Дунёга бергусиз ганжинам, Ватан!

Меҳринг либосимдир, гуруринг — тожим,
Саховатинг билан ҳал эҳтиёжим,
Булоқларинг ҳатто ажал иложи,
Одлоқ насиб этган хазинам, Ватан!

Кўр бўдгай қадринга етмаган хаслар,
Манқуртга айланган ноқўр, нокаслар,
Ғанимлар кўнглини овлаган пастрлар
Худо беҳабарлар — Кори ланлар.

Султонлар Ватанини сотмағай ҳаргиз,
Ўғлонлар Ватанини сотмағай ҳаргиз,
Полвонлар Ватанини сотмағай ҳаргиз,
Ватанини сотади очкўз хоинлар.

Хонига хонлар қисмати ёрди,
Халқининг оловли нафратни бордир,
Ҳўки чиқаргучи парвардигордир,
Асрагучи худо бўлган Ватаним!

Юрагимда ёлғиз Худо бор, сен бор,
Ҳар тонг яратгандан сўрайман тақдор,
Мен қурбон бўлсам-да, сен бул бахтга ёр,
Жисму жонимга жо бўлган Ватаним!



Наманган шаҳридаги саноат, транспорт ва алоқа коллежи

Оқтепа кишлоғи Чотқол тоғ тизмаси ёнбағрида жойлашган. Атрофи тоғлар билан ўралган кишлоқнинг қок ўртасидан Тентаксой кесиб ўтади. Бахорнинг серёғир пайтларида суви хаддан зийд кўпайиб, одамларга анча ташвиш келтирганидан сойни шундай аташган. Аҳоли асосан дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Шу йилнинг баҳорини қишқингина кишлоқда бўлган катта тўйнинг довури атрофга ёйилди.

Тўй ташкилотчиси — саксон ёшни қоралаб кўйган Абдукарим ота хонадонда бўлиб, бир пиёла чой устида гурунглашди.

Оқибатли одамлар

— Тўртта нонни хотиржам дастурхонга қўйиб ейдиган кунни ҳам кўрармиканмиз, деб оруз қилган пайтларимиз бўлган, — дея ҳикоя қилади отахон. — Худого шуқур, фаровон кунларни кўриш насиб этди. Беш қўл баробар эмас, кишлоғимизда оилаларнинг турмуш даражаси ҳар хил, лекин саховатпеша инсонлар ҳам кўп.

Биз маҳалла оқсоқоллари масолаҳатлашиб, кишлоғимиздаги бўйи етган қизлар ва ёши йигирма бешдан ўтган йигитларнинг ҳисобини олдик. Уларнинг аксарияти отаси ёки онаси ногирон, серфарзанд оила фарзанди эканлиги маълум бўлди. Ўзингизга маълум, халқимиз жуда ҳамиятли, орият кучли. Яхшиликни ҳам гоёғ эҳтиёткорлик билан қилмасангиз, нафсониятига тегиб

қўйишингиз ҳеч гапмас. Хуллас, маҳалла-кўй кўмағида ёшларнинг никоҳ тўйларини бирваракайга ўтказишга қарор қилдик. Шундай қилиб 9 нафар келин-куёвнинг никоҳ тўйи бир кунда бўлди.

— Тўй ажойиб ўтгандир-а? — сўрайман отахондан.

— Нимасини айтасиз?! Шунча тўй-маърака қилиб ўзим ҳам бунчалик қувонмагандим, — мамнун жилмади Абдукарим ота.

Оқтепадан қайтар эканман, элимизда бу отахондек саховатпеша инсонлар борлигидан қалбим фаҳрга тўлди. Улар сабаб оқибат, саховат, одамулик каби миллий қадриятларимиз асло завол кўрмайди.

Диёрбек ШАҲОБИДДИН ўғли,
Янгиқўрғон тумани



Илғор пиллақор Н.Алиева бу йил ҳам соврин олди.

ХАТО ТАҚРОРЛАНМАСИН

Ўзбекистон президенти ҳар йили чиқараётган амнистия тўғрисидаги фармонлар, жазоларнинг либераллаштирилиши халқимизга хос инсонпарварликнинг ёрқин намунаси. Шу боис Наманган вилоят ҳуқуқ-тартибот органлари ҳам жиноятчини жазолашдан кўра, жиноятнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда «Назорат», «Тозалаш», «Хавфсизлик», «Антитеррор» каби кенг қамровли тадбирлар ўтказилапти. Жумладан, вилоят ички ишлари идоралари ва прокуратураси ҳамкорлигида ўтказилган «Назорат» тадбирида асосий эътибор илгари судланган кишилар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш, бунга имкон берувчи омилларни бартараф этишга қаратилди.

Профилактик ишлар олиб борилганига қарамай, жорий йилнинг 5 ойи мобайнида 286 нафар илгари судланган шахс қайта жиноятга қўл урган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бироз камайган бўлса-да, хотиржамликка берилиш учун асос бўлолмайди.

Тахлиллар шуни кўрсатаётти, қайта жиноятга қўл урган кишиларнинг аксарияти ихтимойий фойдали меҳнат билан банд бўлмаган шахслардир. Демак, жойлардаги ихтимойий кўникма марказлари, ихтимойий таъминот ва аҳолини иш билан таъминлаш бўлиmlари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари раҳбарлари ўз ишига масъулиятсизлик билан қарашган.

Масалан, Наманган шаҳрида яшовчи 1981 йили туғилган Н.Зокир бир марта жиноят содир этиб, жазони ўтаб қайтган. Лекин унинг ҳаёти билан на ақинлари, на маҳалла-кўй қизиққан. Оқибатда у яна жиноятга қўл уради. Бундай мисолларни вилоятнинг бошқа ҳудудларидан ҳам келтириш мумкин.

Шундай шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш мақсадида 658 нафар илгари судланганлар маъмурий назоратга олинди. Шунингдек, назорат остида туриб ҳам тегишли хулоса чиқармай, қонунга риоя қилмаган 21 киши жиноий жавобгарликка тортилди.

Жиноят учун жазо муддатини ўтаб чиққан шахсларни қўллаб-қувватлаш, муаммолар олдида ёлғизлатиб қўймаслик, соғлом турмуш тарзига қайтариш борасидаги ишлар мавсумий бўлмаслиги керак. Уларнинг тўри йўл танлашига, ҳалол меҳнат қилиб жамиятда ўз ўрнини топишига яқиндан ёрдам бериш нафақат ҳуқуқ-тартибот органларининг, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам вазифасидир.

Мусоҳон ОППОҚОВ,
Наманган вилоят ИИБ
ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш
бошқармаси бошлиғи



Саҳифаларимизда Сурхондарё вилояти прокуратураси органлари

ғаллакорларининг фидокорона меҳнатига юқори баҳо берилгани бежиз эмас, албатта.

Бу ғалабада вилоят прокуратураси органлари ходимларининг ҳам ҳиссаси бор.

Шундай бўлса-да, айрим хўжаликларда давлатга ғалла сотиш режалари бажарилмади. Воҳа буйича белгиланганига нисбатан 192 фермер хўжалиги 4774,5 тонна ва 9 ширкат ҳамда бошқа корхоналар 711,1 тонна кам маҳсулот топширган. Оқибатда давлатга 160.700.000 сўмлик зарар етказилган. Вилоят прокуратураси томонидан ушбу за-

мудири Х.Йўлдошев билан тил бириктириб, қарийб 87 тонна бугдойни номаълум шахсларга сотиб юборишган. Тушган пулни чўнтакка уришган. Оқибатда жамият манфаатига 5.935.000 сўмлик зар-



Жаббор МАХМАДАМИНОВ,
Сурхондарё вилоят
прокурори ўринбосари

рар етказилган.

Кейинчалик корхона омбор мудирлигига тайинланган Р.Нарзуллаев ҳам юлғичликни давом эттиради. У ҳам 9087 килограмм бугдойни ғумдон қилиб, пулини ўзлаштирган.

Бу жиноятга алоқадор бирча шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, етказилган зарар тўлиқ ундирилди.

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси номига жиноят сабаблари, унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш хусусида тақдимнома киритилди.

Ғалла-халқ ризқи. Дастурхонимиз кут-баракаси. Шундай экан, бу соҳага даҳлдор ҳар бир қингир ишга қонуний баҳо берилиши муқаррар.

Кўпчилик яхши эсласа керак. Бир вақтлар деярли ҳамма экин майдонларимизда пахта етиштириларди. Бугдой эса бошқа ўлкалардан келтирилар эди. Ҳеч ким бунга қаршилик қилолмасди. Замон талаби шундай эди.

Истиқлолга эришгач, вазият ўзгарди. Пахта якка ҳоқимлигига барҳам берилди. Кўплаб далалар

ғалла учун ажратилди. Ерни экинга тайёрлашдан тортиб, майсаларни парваришлаш, унинг пай-

ҳон қилинишига қарши курашиш, ҳосилни нес-нобуд қилмасдан ўриб-йиғиб олиш ва сақлашгача бўлган барча жараёнларга эътибор кучайтирилди. Натижада мамлакатимиз қисқа давр ичда ғалла мустақиллигига эришди.

Вилоятимиз деҳқонлари ғалла тайёрлаш буйича катта муваффақиятларга эришмоқда. Белгиланган режани ортиғи билан бажариб келишаётир. Жорий йилда ҳам республикада биринчилардан бўлиб маррага етиб келишди. Юртимиз хирмониغا 223.000 тоннадан зиёд дон уюлди. Гектарига ўртача 50 центнердан ҳосил кўтарилди. Бу кўрсаткич айрим фермер ва пудрат жамоаларида ҳатто 70 центнердан ошиб кетган. Шу муносабат билан президентимиз томонидан йўлланган табрик телеграммасида воҳа

рарни ундириш ҳақида хўжалик судига 97 та ариза киритилди. Айбдорлар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилмоқда.

Халқимизда «Уроқда йўк, машоқда йўк, хирмонда ҳозир» деган мақол бор. Кези келганда саранжом-сариятлаб хирмонга топширилган бугдойни талон-тарож қилиш ҳолатлари мавжудлигини ҳам айтишга тўғри келади. Бунга «Сариосиёдон» масъулияти чекланган жамиятининг айрим амалдорлари қилмишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Улўғбек Сафаров ушбу жамоа бошқаруви раиси лавозимига ишлаган даврида ўз вазифасига совуққонлик билан қараб, ихтиёрида бўлган маҳсулот талон-тарож қилинишига бош-қош бўлган. Омбор



Алломши ҳайкали Сурхондарё рамзидир.

Ватан олгудига қарздормиз


Яқинда Термиз шаҳрида «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» мавзусида форум бўлиб ўтди. Мен ҳам унда сўзга чиқиб, ўз мулоҳазаларимни билдирдим.

Биз шу Ватанда туғилиб улғайдик. Мактаб ва коллежларда таълим олаётимиз. Ҳушдор орзу қилган касбни эгаллашимиз учун барча шароитлар яратилган. Хуллас, келажакимиз ёруғ. Шунинг ўзи катта бахт эмасми.

Афсуски, айрим йигит-қизлар ғаламислар кутқусига учиб, диний экстремистлар сафига қўшилиб, юртимиз тинчлигини бузишга уринишяпти. Бу ноқўрликдан ўзга нарса эмас.

Азиз ёшлар! Келинг, Ватанимизга содиқ бўлайлик. Бор куч-билимимиз, ғайрат-шижоатимизни юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлига сарфлайлик.

Шаҳноза ТУРСУНОВА,
Зулфия номидаги давлат муқофоти соҳиб



Термиз шаҳри кундан кун чирой очмоқда.

Иссик жон иситмасиз бўлмас дейдилар. Аммо буни тушунишни истамаганларни ким деб аташ мумкин? Сурхондарёлик С.Таслимова касаликка чалинади. Шунинг рўқач қилиб турмуш ўртоғи Зиёд Отақулов уни 4 фарзанди билан қайнониси М.Қурбонованинг қарамогига ташлаб кетади. Бунинг устига уларга 4 йил давомида моддий ёрдам кўрсатмайди. Натижада болалар ночорликдан ҳатто мактабга ҳам боролмай қолишади. Афсуски, бундай ачинарли ҳолга қўниқўшни, маҳалла-қўй эътиборсиз қарайди. Бу ҳақда М.Қурбонова вилоят прокуратурасига мурожаат қилгач, Термиз шаҳар прокуратурасига

зудлик билан топшириқ тайёрланди.

Инсон шаъни – олий қадрият

Шундан сўнг С.Таслимовани касалхонага ётқизиш, оилага моддий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилди. Болалар мактабга жалб этилди. Фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товлаб келган З.Отақуловни оталик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисида даъво қўзғатилиб, суд томонидан қаноатлантирилди.

Шунингдек, А.Элмуродов ва Х.Алимардоновлар фуқаролик ишлари буйича Денов туманлараро судига Денов педагогика коллежига ишга тиклаш,

мажбуран бекор юрган даври учун иш ҳақи, маънавий зарар ва юридик хизмат харажатларини ундириш ҳақида даъво билан мурожаат қилган.

Суд ишни кўриб, даъвони рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарган. Вилоят суди апелляция босқичида қарорни ўзгаришсиз қолдирган.

Маълум бўлишича, А.Элмуродов билан имзоланган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 4-банди асосида бекор қилинган. Бироқ бунинг учун қасаба уюшмаси-

нинг розилиги олинмаган. Фуқаролик иши анча олдин кўрилгани учун суд қарорига муносабат билдиришдан аввал тарафлар тақлиф этилди. Уларга қонун талаблари тушунтирилди.

Саъй-ҳаракатларимиз зое кетмади. Вилоят прокуратурасининг бевосита аралашуви билан А.Элмуродов ва Х.Алимардоновларнинг 3 йиллик сарғардонлигига чек қўйилди. Улар айни пайтда яна коллежда ўқитувчилик қилишмоқда.

Мустақилликдан сўнг инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни мақсад қилганмиз. Барча қонунларимизда инсон, унинг шаъни ва қадриятимизни олий қадрият эканлиги эътироф этилган. Ана шу талаб фаолиятимизнинг мезо-ни бўлмоғи лозим.

Мохира ҚУРБОНОВА,
вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Яширмайман, Сенат аъзоллигига сайланганимда беихтиёр хаяжонлини кетдим. Сурхондарё ахлининг менга билдирган ишончидан кўнглим тоғдек кўтарилди. Бу чиндан ҳам мен учун катта шараф эди. Узоқ йиллардан буён тиббиёт соҳасида меҳнат қилиб келяпман. Тиббиёт фанлари доктори илмий даражасини олишга муваффақ бўлганман. Нью-Йорк фанлар академияси аъзоллигига муносиб кўришган.

Эл ишончи

Вилоятимиз ҳудудидаги Каттақум чўлидан қаровсиз ҳолда чиқиб, кумга сингиб кетаётган шифобахш минерал сувлар манбаини топиб, беморларни даволашда уни қўллаш усулини илмий жиҳатдан асослади. Кейинчалик мустақиллик шарофати билан бу ерда замонавий клиника қурилиб, ишга туширилди. Эндликда йилига 5 минг нафардан ортиқ киши саломатлигини тикламоқда.

Ана шу камтарона хизматини қадрлаб, халқ депутатлари Жаркўрғон туман кенгаши ноиблигига сайлашган эди. Шундан сўнг вилоят, шаҳар ва туман вакиллик органлари депутатлари Олий Мажлис Сенати аъзоллигига ҳам лойиҳа деб топишди.

Мен шундай юксак ишончдан фахрланаман. Ўзбекистон бугун дунё мамлакатлари билан бўйлашмоқда. Юртимиз тарихида илк мартаба икки палатали парламент шакллантирилгани бу йўлдаги яна бир дадил қадам бўлди.

Сенаторлар зиммасига улкан масъулият юклаганини ҳис этиб турибмиз.

Авалло, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Сенатга маъқуллаш учун юборилган қонунлар янада мукамал бўлиши учун қатъий билан ишлашимиз лозим. Бор билим ва салоҳиятимизни шу мақсадга йўналтиришимиз талаб этилади. Шунингдек, уларнинг ижросини таъминлаш учун жон куйдириш керак.

Қолаверса, умумдавлат ва ҳудудий манфаатлар мутаносиблигига эришиш йўллари излаб топишимиз муҳимдир. Токи, буларнинг бари Ватанимиз истикболи ва халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилсин.

Сенатнинг мен фаолият кўрсатаётган кўмитаси аъзолари худди ана шу мезондан келиб чиқиб, кун тартибдаги ҳар бир масалани чуқур ва атрофлича муҳокама этмоқдалар.

Зокиржон ЗУННУНОВ,
Республика саломатлики тиклаш ва табиий даволаш илмий текшириш институти Термиз филиали директори, сенатор

МЕН МУЛҚДОРМАН

Денов маиший хизмат кўрсатиш корхонасида кўп қатори ишлаб юрардим. Мустақилликдан сўнг ташкилотимиз жамоа мулкига айлантирилди. Ниҳоят 1995 йилда менга хусусий мулк қилиб берилди.

Ҳозирги пайтда корхонамизда ўнлаб уста, хунарманд ва касиблар меҳнат қилмоқда. Майсара Имомова, Исомиддин Алимов, Жўра Зулфикооровлар «Ташаббус» кўрик-танловларида фохри ўринларни қўлга киритишди. Мақсадимиз баҳоли қудрат аҳоли хизматини қилиб, уларнинг олқишига сазовор бўлишдир.

Бир вақтлар мулкдор бўлиш тушимизга ҳам кирмасди. Эндликда юртимизда минг-минглаб тadbirkorлар фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда фахр билан мен мулкдорман, дея оламан.

Раҳмат ХУЖАЕВ,
«Раҳмат» хусусий корхонаси бошлиғи

Конституциянинг 51-моддасида «Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар» дейилган. Бу талаб бежизга асосий қонунимизда ўз аксини топмаган. Чунки жисмоний ва юридик шахслар томонидан тўланадиган солиқлар давлат бюджетини шакллантирадиган муҳим омиллардан биридир. Шунга қарамай, фуқаролик бурчини бажаришдан бўйин товлаётган кимсалар ҳам йўқ эмас.



Бурчимизни унутмайлик

Термиз туманида ташкил этилган «Алп-Жамол Узбат» хусусий савдо корхонаси 762.334.000 сўмлик солиқ ва боқиманда қарзларни тўламаган. Бу микдор «Сайхон соҳили» савдо корхонасида 706.400.000 сўм, «Шарқ-тожмаҳал» савдо корхонасида 690.700.000 сўм, «Сурхонсавдо» корхонасида 546.100.000 сўм, «Ойсоат Элёр» савдо корхонасида 408.900.000 сўмини ташкил этган.

Туманда қисқа давр ичида солиқ ва боқиманда қарзларни тўламаслик оқибатида давлатга 4.461.000.000 сўм зарар етказилган.

Бундай қинғир ишларга айрим мансабдор шахслар йўл очиб беришган. Хусусан, Термиз тумани ҳокими ўринбосари Р.Уташев уст-тав жамғармасини шакллантирмаган савдо корхонаси раҳбар-

лари билан тил бириктириб уларга ноқонуний тарзда улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномалари бериб юборган.

Шунингдек, савдо корхоналарини тугатишда ҳам Вазирилар Мақамаси қарори билан тасдиқланган низомига амал қилинмаган.

Масалан, тумандаги «Асадбек-Термизий» улгуржи ва чакана савдо корхонаси давлат солиқ инспекциясига топширилган ҳисоботларга сохта маълумотлар киритиш йўли билан давлатга 2.780.000 сўм зарар етказган.

Корхонанинг бюджетдан ҳам қарзи мавжуд бўлсада, корхона бошлиғи Т.Қодиров томонидан тақдим этилган туман давлат солиқ инспекциясининг бюджетдан қарздорлик мавжуд эмаслиги ҳақидаги сохта маълумотномасига асосан корхонани тугатиш тўғрисида туман ҳокимининг қарори чиқарилган. Бироқ, тadbirkorдан корхона таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳнома, банк муассасасининг тугатиш ҳисоб варағи ёпилганлигини тасдиқловчи маълумотномаси, ички ишлар органининг корхонанинг муҳри ва штамплари йўқ қилиш учун топширилганлигини тасдиқловчи маълумотномаси ва ҳоказо ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳеч қимнинг хаёлига келмаган. Бундан фойдаланган корхона бошлиғи фаолиятини давом эттириб, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўламай, давлатга 35.112.000 сўмлик зарар етказган.

Аниқланган қонунбузилишлар юзасидан вилоят прокуратураси томонидан Р.Уташев, бир қатор савдо корхоналари раҳбарлари ва бошқаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Айрим банкларнинг раҳбар ва масъул шахслари давлат солиқ органлари ҳамда бошқа ваколатли идоралар томонидан қўйилган инкасса топшириқномаларини бажармасдан келишган.

Термиз шаҳар давлат солиқ

инспекцияси томонидан «Меҳри Жаҳон» хусусий фирмасининг «Алоқабанки» вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига 6.245.000 сўмлик қарзларини бюджетга ундириш бўйича инкасса топшириқномалари қўйилган. Шу муддат ичида миқозининг ҳисоб рақамига 41.524.000 сўм келиб тушган. Ушбу маблағ ноқонуний равишда банк томонидан берилган кредит ва кредит фойзаларини қоплаш учун ўтказилган.

Мазкур давлат солиқ инспекцияси томонидан АТ «Узўйжой-жамғармабанки» вилоят бўлимидаги «Асилбек» корхонаси ҳисоб рақамига 93.053.000 сўмлик, «Ойсоат Элёр» улгуржи чакана савдо корхонаси ҳисоб рақамига 408.887.000 сўмлик инкасса топшириқномалари қўйилган. Бироқ аналорлар ушбу корхоналар ҳисоб рақамига келиб тушган маблағларни биринчи навбатда солиқ ва бошқа тўловлар учун йўналтирмай, бошқа мақсадларга ишлатиб, улар манфаатига зарар етказишган.

Юқоридаги ҳолатлар юзасидан «Алоқабанки» вилоят филиали ва «Узўйжой-жамғармабанки» вилоят бўлими мансабдорларига нисбатан 4 та жиноят иши қўзғатилди.

Текширишлар натижасига кўра айбдорлардан 781.909.000 сўмлик зарар ундирилиб, вилоят ҳўжалик судига давлатга етказилган 3.577.705.000 сўмини ундириш бўйича 113 та даъво аризаси киритилди.

Солиқларни ўз вақтида тўлаб бориш халқимиз фаровонлиги ва юртимиз тинчлик-осойишталигини таъминлаш гарови. Мустақилликни мустаҳкамлашга ҳисса қўиш эса ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Шодмон САФАРОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси фуқароларнинг ҳўқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи



«Қирқ-қиз» тарихий ёдгорлиги.

Сурхондарё вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖКК бошқармаси томонидан халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида ишлаб чиқариш, даромад ҳажмларини яшириш, сотилган махсулот, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмининг пасайтириш, «хўфийна иктисодиёт» фаолияти каби ҳолатларни аниқлаш ҳамда зикр этилган иллатларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш мақсадида зарур чора-тadbirkorлар белгиланган.

Жорий йилда 11 та ҳолатда жисмоний шахслар томонидан фаолият кўрсатаётган яширин цехлар аниқланиб, улардан 11.907.000 сўмлик истеъмолга яроқсиз махсулотлар ва ускуналар далилий ашё сифатида олинди. Барча ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилиб, уларга нисбатан тегишли тартибда жавобгарлик чоралари қўланилди.

Аниқланган яширин цехларнинг 5 тасида ёғ ишлаб чиқарувчи мойҳувозлар, 6 тасида спиртли ичимликларни қўлбола тарзда ишлаб чиқарувчи цехлар фаолиятига чек қўйилди.

Жумладан, Кумкўрғон тумани «Бешқаҳ-

рамон» ширкат ҳўжалигида яшовчи Қаҳрамон Шоймуродовнинг ҳовлиси ва ёрдамчи ҳўжаликлари кўздан кечтирилганда, мойҳувозда қўлбола пахта ёғи ишлаб чиқариш мақсадида 750 кг. техник чигит ва 250 кг. техник чигитдан тайёрланган кунжарани саклаб келаётганлиги аниқланган.

Суриштирув давомида Қ.Шоймуродов Кумкўрғон туманидаги «Турон» ОТХЖда ишлаётган Р.Эшқулов, А.Тўраев, Б.Бозоров ва У.Ғафоровлардан ҳар бир килограмм чигитни 80 сўмдан сотиб олганлиги аниқланди.

Кейинги пайтдаги текширишда 5 та ҳолат бўйича 9.386.000 сўмлик 654 тонна техник

Иймонини йўқотган бандалар

чигит камомати аниқланиб, тўпланган материаллар туман прокуратурасига тергов ҳаракатлари олиб бориш учун юборилди.

Мамлакатимизда тadbirkorларга кенг имкониятлар яратилмоқда. Бироқ шולי курмаксиз бўлмаганидек, айрим сохта тadbirkorлар ҳам учрайди. Уларнинг фаолиятига чек қўиш, истеъмол бозорини яроқсиз махсулотлардан ҳимоя қилиш нафақат назорат органларининг балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

М.МАҲАММАДИЕВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖКК бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи

BADIA

Кун бўйи югурасиз. Толикасиз. Асабларингиз қақшайди. Иш тугагач эса қадрдон йўлга, қоронғуда ҳам қоқилмай етиб келишингиз мумкин бўлган жойга ошқасиз. «Рўзгор-ғор», дейсиз тишингизни тишингизга босиб. «Беш кунлик умрим ишхона ва уй орасида қатнаб ўтиб кетяпти», — дейсиз ўқиниб. Аслида елкангизда шу оғир юкнинг қанчалик буюклиги ҳақида ўйлаб кўрмайсиз. Ношукурсиз.

Ишдан қайтаётганингизда негадир кайфиятингиз кўтарилди. Тўғри-да, ишда обрўси бор одамнинг уйда ҳам ўз ўрни бўлади. Қолаверса, хотинингизга, беш жуфт қора кўзга тик қарай оласиз. Дарвозани очаятганингизда кўзингизда аллақандай мағрурлик қалқиди. Барча югур-югурлар, чарчоқлар, мана шу рўзгорни тебратиб

учун эканлигини, бу маконда осудалик ҳукм сураётганининг боиси саҳарлаб чиқиб, тун қоронғусида келаётганингиздан эканлигини ўйлаб, чарчоқни унутдингиз.

Хали чироғи ўчмаган бежиримгина,

мўъжаз кулбада сизнинг келишингизни кутиб ўтирган икки нафар инсоннинг хануз ухламаганидан аччиқландингиз. Яқинроқ бориб, «мен келдим» деб товуш бердингиз. Вожабо, тиш орасидан гаплашиб ўтиришган бу ҳаловатсиз инсонларни биргина «мен келдим» деган гап билан тинчлантира олдирганга-а. Қойил. Рўпарангизда яна бир инсон пайдо бўлди. Уйқутираган, хавотирли нигоҳи билан бош-оёғингизни эркалаб чиқди: «Келдингизми?». Баъзан бор чарчоқингизни, аламингизни шу жафокаш аёлдан олгингиз келади-ю, узоғини ўйлайсиз: «Тоғиб-тўғиб келганимни тежаб-тергаб ишлатади, ота-онам парварши, болалар, мол-ҳол дегандай унинг зиммасида. Яна мактабга боради. Ярим тунгача консект ёзади», — дея ачинасиз. Назарингизда у оиладагиларнинг кўнглини олиш, қош-қовоғига қараш учун яратилгандек туюлади.

Хонтахта устида тайёр турган «луқмаи ҳалол»ни ейишга иштаҳангиз бўлмайди. Ута чарчагансиз. Бундай пайтда эса уйқунгиз қочади. Бу тунни хаёллар ва сизнинг аччиқ тутуни ичра ўтказишингиз аниқ. Нарғи хонадан энгилгина пишиллаб ухлаётган болаларингизнинг нафаси эшитилди. Уларни сочларидан эркалагандек, чойшабини тўғирлагандек бўлдингиз. Оиланинг тиргаги ҳам сиз. Худо кўрсатмасин, сиз бўлмасангиз мана шу фаровонликка, осудаликка пугур етиши, шубҳасиз. Уйда ҳамма нарса бор. Хотинингиз ҳам зорилламай қўйган. Ота-отангиз дуойи жонингизни қилиб ўтирибди. Лекин негадир кўнглингиз гаш. Баъзи жўраларингиздек маишат-

га вақт тополмаётганингиздан афсусланасиз. Тунни оилада эмас, «саёк» давраларда ўтказаятганларга ҳавасингиз келаётгандай бўлади. Елкангиздаги «оила» деб аталган юкнинг буюклигини англашингиз учун эҳтимол ҳали не-не тунлар қорайиб, не-не тонглар оқарар....

Туннинг бирдан-бир фонуси бўлмиш ой ҳам булутлар ортига чекинди. Осмоннинг тунд чехрасига боқиб яна гашландингиз. «Бахт нима экан ўзи? Нега ўзимни бахтли сезмаялман? Нима у, мудом кўнглимга гашлик солиб турган?». Шу хаёллар билан яна нигоҳингиз мўъжазгина кулбага тушади. Илқис кўнглимдаги гашликка ота-отанинг қарийётганлиги сабаб эмасмикан, деган ўй экангиздан олади. Уларнинг борган сари яши еса-емаса эти суягига ёпишиб бораёпти. Менинг ота-онам деган гап ҳам омонатдек туюлади. Наҳотки, бир кун... Нурмаматнинг отаси кечаси ухлабди эрталаб уйғонмабди, бориб қараса....

Ўзингизни қутулмаган сўроқларга тутасиз. «Нега дарвозадан киб-

рибок, уларни ҳолини сўрамади? Бир пиёла чойни ўша ерда ичмадим. Кайфиятларини кўтармадим. Ишлаб келаётганимни миннат қилганимми? Ахир улар мени йиллаб боқиб, бошимни иккита қилиб, бир уй бўлиб ўтиришимга шариот яратиб, миннат қилмадиларку! Нега мен уларнинг эртароқ ухламай, йўлимга кўз тикиб ўтирганлари эвазига аччиқландим, зарда қилдим? Нега йил бўлди ахир, уларга Худонинг фарзи бўлган саломни бермаганимми? «Мен келдим» эмиш. Бирров эшикни очиб, муомала қилишга, дийдорини қўришга ярамай қолдингми? Мабодо Худо кўрсатмасин... Шу тобда борсаммикан. Онамнинг тиззаларига бош қўйсам, отамнинг оёқларини уқаласам. Ўрталарида боладек ётсам... Беш болали йигитга ярашмас-ов. Тонг отиши билан кираман. Тонгача эса анча бор».

Хаёлнинг вазвасали ипини узиш учун бирпас чўзиласиз. Тунги чироқнинг ним ёруғи рафиқангизнинг юзини ёритиб турибди. «Чарчабди. Юзига ажин тушиб, сочларига оқ қўнаёпти. Бояқиш кичкин-

тойга кўп азоб тортиди-да. Ўшанда издан чиқса нима бўлиши мумкин? Рўзгор ҳам ўша аҳволга тушарди. Болаларим кимнинг қош-қовоғига қарарди? Кеча «мазам бўлмаёпти» деганмиди? Мен но- н н -

ягона бола ота-онасини кофирликда айблаб уйдан чиқиб кетганди. Худонинг кўзи ўнг бўлсин. Ўғлингиз билан бафуржа гаплашмаганингизга ҳам анча бўлибди.

Ким билсин, унинг дўстлари ким? Сўраб-суриштириш керак. Қиз боланинг йўриги бошқа. Эгаси келиб олиб кетади. Жамалак сочлари ёстиқ билан бир бўлиб ётган қизалоқларингизни бировдан қизгандингиз. Ким билади, бировнинг хонадонидан меҳрга зор бўладими? Ўғилку, ўзиники. Қиз бола бировнинг хасми, дейдилар. Меҳмонлар. Меҳмоннинг иззатини жойига қўйиш керак.

Сиз ўзингизга бино қўйгангизни англаб бошла-дингиз, шекилли. Бутун бошли оиланинг суянчигиман, дедингиз. Аслида сиз ҳам қўлидан иш келмайдиган ота-онангизга, жафокаш аёлингизга, норасида гўдақларингизга суяниб яшайётганингизни, аслида улар том маънода сизники эмаслигига, ҳатто титраб турган жонингиз ҳам Оллоҳнинг омонати эканлигига аниқ келтирдингиз. Улардан ажралиб қолиш мумкинлиги қай даражада сизга яқин келган бўлса, аини дақиқда бахтли эканлигингизни ҳам англадингиз.

«Ассалому алайкум!». Бу хайрли сўздан бомдод намозини ўқишга ҳозирланаётган ота-онангиз ёшаргандек бўлди. Сиз эса қалбингизда камалақдек товланган туйғулар тўғрили мунаввар тонг насимига юзингизни тутасиз. Оллоҳ назари тушган кўёшли юрда тугилганингизга қувонасиз. У менинг Ватаним, деб баралла хайқаришингиз мумкин. У сизники. Тирикликда ризқ берувчи, ўлганда қучоғига олғувчи тупроқ. Унинг бугуни, эртаси сизга ҳам боғлиқ. Бу ҳузур, бу осойишталик, оилангиз хотиржамлиги, бахти бекамлигингиз, ватанингиз тақдирини билан муштарак эканлиги ва ҳамиша унинг ҳимоясига шай бўлишингизни бу тонг яна бир бор сизга эслатди. Ҳар замон ўзни имтиҳон этиш, ўзни койиш, ўзни сўроққа тутуш хайрлидир. Меҳр-оқибат нелигини, Ватан нималигини ҳис қилдингиз. Мунаввар тонг шукрона билан лиммо-лим қалбингизга муборак бўлсин!

Ҳафиза ЭГАМБЕРДИЕВА, журналист

AFSUS

Аллоҳ Гавҳарни оналик бахтидан бенасиб этмади. Ўғли Алимардон ва қизалоги Муслима унинг бутун борлиги. Мамадали Хусейнов билан ҳаётини боғлаганда болаларингизга оталик қилади дея ишонди. Ароққўр, гиёҳ-ванд, илгарди неча марта судланган одам болалар тарбиясига қандай таъсир этиши ҳақида Гавҳар ҳам, ҳаётнинг аччиқ-чучуғини тотган онаси

Машқура ая ҳам бирров ўйлаб кўришмади...

Мамадали уйғонганидан буён боши гувиллайди.

Муслима билан Алимардонга нонушта тайёрлаган ўғай ота ичиди бир нималар дея гуданди. Болалар ундаги норозиликка эътиборсиз, ўз «юмуш»лари билан банд.

Қизалоқ қўлидаги кўнрачнинг, дўмбоққина пахлаван эса ўйинчоқ машинасини қизганади. Шўхлигига боришиб жанжаллашар, қувлашиб йиғлашарди. Хотини уйда йўқлиги учун ўзига оқват тайёрлаётган Мамадали болаларнинг шовқинидан асаблари таранглашиб Алимардонга ўдағайлади:

— Ўчир овозингни!

— Менгаям оқват берасизми, — маъюслашди беш яшар Алимардон.

— Мана сенга оқват, — болақай бошига тушган зарбдан йиқилиб, ошхона деворига ўрнатилган иссиқлик қувурига боши билан урилди. Бошидаги жароҳатдан оқаятган қондан кўрқибми ёки орқига чидаёлмай йиғлаётган Алимардонни ювиниш хонасига олиб кирган Мамадали инсонийлик қиёфасини йўқотиб, ваҳшийга айланди. Мунчоқдек кўзларидан қуюлаётган ёшни жажжи қафтлари билан артаётган болақай аини пайтда отаси ёҳуд тўйма-тўй юрадиган онасининг овутишини истагандир... Аммо онаси Когонда, ундан йироқда.

Икки ёшли Муслима эса бу пайтда ўйнаб-ўйнаб чарчаб ухлаб қолган эди.

Кўзлари қонга тўлган Мамадали Алимардонни бўға бошлади. Нима бўлаётганини тушуниб ҳам етмаган болақай ўғай ота қўлида типирчилай-типирчилай жон

— Алим...мардон...ни келтириб қўяман. Қараб туринг.

— Майли, келмаган жойимни, келтира қолинг, — Машқура ая эътироз билдирмади. Невараси аллақачон дунё билан видолашганидан беҳабар буви уззукун эшикка термулди.

Кечага томон Мамадали ҳеч нарса бўлмагандек кириб келди.

— Алимардонни олиб кетишга келдим.

— И-е, набирам бизникка келмади... Бола йўқолгани ҳақида телевидение, матбуотда қидирув эълон қилинганда ҳам қотил чурқ этмади.

Аммо жиноят жазосиз қолиши мумкин эмас.

Аллоҳ инсонни ўзи яратган мавжудотлар орасида энг улуғи, энг буюғи этиб яратди деймиз. Бирок, қабиҳликка қўл урган М.Хусейновни қандай қилиб инсон деб аташ мумкин.

Баҳодир ҚУДРАТОВ, Бухоро шахар прокуратураси терговчиси

Тун ИМТИХОНИ



Малъундан-меҳр кутганлар

берди.

Сўнг қотил боланинг жасадини бўлақлаб целлофан пакетларга салади. Мамадали жиноятини яшириш мақсадида пакетларни машинага ортиб, даҳадаги ахлатхоналар олдида бир-бир тўхтаб, йўлида давом этарди. Қотил учинчи пакетни Бухоро тумани Файзулла Аллоев ширкат хўжалиги «Талаён» қишлоғи далаларида қолдириб уйга қайтди...

...Мамадали қайнонаси яраб турган уйнинг эшигини тақиллатди. Совуқ туркига самимийлик тусини бериб тилга кирди:

Ў AYRIQDDIY VOQEA

Август ойининг охирида Россия вилоятларидан бирининг чекка туман марказида жойлашган шинамига «Оқ қайин» қаҳвахонаси одатидан кўра сокин. Унинг хира ёритилган залидаги ўриндиқлар деярли бўш. Чоғроққона залнинг икки бурчагидаги столларда тўрттадан саккиз нафар йигит ўтирибди. Улар шовкин-суронсиз, гўё биров эшитиб қолишдан қўрқандай паст ва босиқ овозда, ахён-ахёндагина гаплашиб қўйишди. Иккала гуруҳдагилар ҳам бир-бирлари томонга мутлако назар солимаётгандай туюлса-да, орадаги вазият тобора тараंगлашиб, хавфли бир ҳолат пайдо бўлаётгани сезилиб турарди. Буни пайкаган официант йигит ўзини гўё тиг устида юргандек ҳис қиларди...

ҳам ушлаб, бўлимга олиб кетдилар. Залда фақат эксперт криминалист, тезкор ходимлар ва қон тўкишининг олдини олмоқчи бўлиб, ўкка рўпара келган номаълум йигитнинг ҳалок бўлганини таъкидлаган шифокор қолди.

Жиноятни оқиш вазифаси энг тажрибали ходимларга топширилди. Аввалига, қўлга олинганларнинг ҳаммаси қотилликда гумон қилинди. Бирок орадан икки кун ўтиб, тергов хибсоҳонасида фақат саккиз нафар зўравон қолди. Ошпаз, унинг икки ёрдамчиси ва официант озод қилинди.

Терговнинг дастлабки кунларида-ноқ галати жумбоқлар пайдо бўла бошлади. Биринчидан, тезкор ходимларни хайратда қолдириб, гумонқилинаётганларнинг ҳаммаси ўзининг номаълум йигитга қарата ўқ узганини тан олди. Иккинчидан, шунча одам отган бўлса-да, йигитга фақат учта ўқ теккан, миясидагидан ташқари биттаси ўнг оёғининг тиззасига, бошқа-

ҳеч қандай қаршиликсиз имзо чекди. Бирок «Беретта» тўппончасиникиерга яширгани ва «йўқолган мурда» ҳақидаги кўрсатмалари бир-бирига боғланмас, уларнинг сунъийлиги аниқ кўриниб турарди. Лекин ходимлар бу сунъийликдан кўз юмишди. Бундан ташқари, айни шу қотиллик юз беришига сабабчи саккиз зўравон ҳам кимларнингдир илтимоси билан хибсдан озод қилинди...

Юборилган сўровномага келган жавоб барчани доводиратиб қўйди: «1963 йилда туғилган И.В.Черних икки йил олдин банцитларнинг ўзaro «разбор» ўтказётган жойига тасодифан бориб қолиб, ўзига теккан ўқдан ҳалок бўлган. «Разбор» жойи «Оқ қайин» қаҳвахонаси бўлган. Чернихга «Беретта» тўппончасидан уч мартаба ўқ узилган».

Ақлга сиғмайдиган бу жавобдан ўзларини ҳақоратланган деб билган тезкор ходимлар гуруҳи Черних туғилган ўқдан ҳалок бўлган, унинг мурдаси

HUQUQ OLAMIDA

ЖИНОЯТ ЖОЙИДА...

Олимлар таъкидлаганларидек, фан ҳуқуқ-тартибот ҳимоячиларига ёрдамга келиб, ўта чигал ишларни ҳам фош этишга имконият яратиб беради. Эътиборингизга ҳавола этилаётган мақолада жиноятларни фош этиш борасидаги фан ютуқлари тўғрисида сўз юритилади.

Европа давлатларининг бирини ваҳима, кўрқув қора булутдек ўраб олди. Чунки ундаги шаҳарлардан бирида маньяк пайдо бўлган. Маньяк айнан қора сочили хотин-қизларни алдаб, пана-пасткам жойларга бошлаб борар, сўнгра номусига тегиб, ўлдириб кетарди. 2001 йилнинг мартидан 2003 йилнинг сентябригача у камида 7 нафар аёлнинг бошига етган. Аёллар кўчага чиқишга қўрқиб қолмишган, баъзилари сочини сарғиш, қизғиш, оқши рангларга бўятиб олишган.

Маньякнинг қурбонига айланган аёлларнинг баданларида қолган изларга асослиб полиция жиноятларининг барчасини битта одам қилётганини тахмин қиларди. Аммо полиция жиноятчини қўлга туширишга оҳиз эди, эро амалдаги экспертизалар жиноятчининг жинсини аниқлашга ёрдам берса-да, унинг ташқи кўриниши ҳақида ҳеч қандай маълумот бермасди. Шунда полиция жонига диоксирибонуклеин кислота ёрдамда амалга ошириладиган янги тест оро кирди. Ушбу тест ёрдамда жиноятчининг нафақат жинси, балки унинг қайси ирққа мансублигини ҳам аниқласа бўларди. Шунинг учун шубҳа остига олинган одамлар доираси анча камайди ва ниҳоят келиб чиқиши африкалик бўлган жиноятчи қўлга олинди.

Канаданинг Оттава университетиде эса олимлар терининг микроскопик зарраларидан ДНКни ажратиб олиш усулларини ишлаб чиқдилар. Бундан ташқари сўлак, қон, соч тоғалари ва ҳатто сочининг қазоғидан ҳам ДНКни ажратиб олиш мумкин. Ҳозирги пайтда судлардаги қораловчилар жиноят жойидан олинган ДНК маълумотларига таяндилар. Аммо ДНК маълумотлари мавжуд бўлганда ҳам биронта шахсини тўғридан тўғри қўлга олиб бўлмайди, чунки қўлга олишининг ўзига хос нозик томонлари жуда кўп.

2000 йилда Канзас-Ситида 39 ёшли аёл ўлдириб кетилди. Полиция ҳар қанча уринмасин, қотилни топиш мушкул эди, чунки у жиноятни очигина имкон яратадиган барча нарсаларни йўқ қилган, аёлни бутунлай ечинтириб, кийимларини ёқиб юборган, қотиллик содир этаётганида қўлга резина қўлқоп кийиб олган эди. Аммо барибир уни қўлга олишнинг битта йўли чиқиб қолди. Марҳуманинг тирноқлари остидан қотилнинг тери заррачалари топилди.

Текшириб қўрилганда, улар бир йил илгари шартли озодликка чиқарилган Уэйн Дюмонда тегишли эканлиги аниқланди.

Кўрииб турибдики, Дюмонд илгари қамалиб чиққан, маълумотлар банкисда унга тегишли барча маълумотлари бўлган. Бунинг устига, у шартли озодликка чиқарилгани учун уни қаҳириб, қайтадан тергов қилиш полицияга қийинчилик туғдирмаган. Ҳўш, агар жиноятчи бармоқ изларини қолдирмаслик учун резина қўлқоп кийиб жиноят содир этган бўлса, қўзларидан билиб қолмасликлари учун контакт линзалар қўйдириб олган бўлса, маълумотлар банкисда у ҳақда биронта маълумот бўлмас, нима қилиш керак?

Умуман шундай ҳолларда жиноятчини топиб бўладими? Ушбу ва шунга ўхшаш саволлар қўлингизга жавобсиз қолиши аниқ. Шу сабабдан, содир этилган жиноятларни фош этишдан кўра улар содир этилишининг олдини олиш муҳим аҳамият касб этади. Агар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мамлакатнинг қайси жойларида кўпроқ жиноят содир этилиши мумкинлигини олдиндан билсалар, бутун кунчи ўша хавфли жойларга жамлаши мумкин бўлади. Бернеги-Меллона университети олимлари ўн йил давомида содир этилган катта ва кичик жиноятларни таҳлил қилиб, баъзи қонуниятларни аниқлашди. Маълумотларнинг статистик таҳлили шунини кўрсатадики, босқинчилик, талон-тарож сингари катта жиноятлар содир этилишидан тахминан бир ой аввал кичик ҳуқуқбузарликлар, айниқса маданият ёдгорликларини ваҳшийларча оёқ ости қилиш (вандализм) шиддат билан ўсиб кетаркан. Шундан сўнг олимлар ўшбу билимларни ҳаёtgа татбиқ этиб қўришди. Мамлакатнинг кичик ҳуқуқбузарликлар қўлайиб бораётган ҳудудлариде полиция қўчалари жамланди. Буни қарангки, тахмин қилинган жиноятларнинг 80 фоизи тўғри бўлиб чиқди ва улар ўз вақтида бартараф этилди. Жиноят содир этилиши мумкин деб тахмин қилинган майдон эса бор-йўғи бир ярим квадрат километрни ташкил этади. Уни полициянинг битта патрул машинаси билан назорат қилиб туриш мумкин бўлди.

Қўлингизга «жиноятчилар ўзларининг яшаш жойларига яқин ерларда жиноят содир этишмайди» деб ҳисоблашад. Аммо бу фикр тўғри эмас экан. Содириб этилган жиноятларнинг таҳлили бу ерда ҳам ўзига хос қонуниятлар борлигидан далолат беради. Техас университети криминалистики Ким Россонинг таъкидлашича, жиноятчилар қўнгина ўз тузар жойлари яқинида жиноят содир этишар экан. У жиноятлар содир этилган ҳудудни таҳлил қилиш жараёнида жиноятчи яшашни ёки вақтинча яшаб турганлиги тахмин қилинаётган кичик бир секторни кўрсатиб беради. Бу сектор «географик кесма» деб аталади. Канада полицияси бир босқинчини қўлга олишда Россмо усулидан фойдаланди. Географик кесма усули ўзини оз фоиз оқлади. Чунки Россмо жиноят тўғрисидаги маълумотларни компютер дастурига жойлаштириб, жиноятчи яшайдиган ёки жиноят содир этишадан бироз олдинроқ вақтинча бўлса-да, яшаб турган уйни аниқ кўрсатиб берганди.

Йўлдош ПАРДА тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Ички хавфсизлиқни таъминлаш инспекцияси прокурори Уктам Юсупов акаси **Унбў ЮСУПОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси **Василий КОМОЧ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Андижон вилоят прокуратураси жамоаси Андижон шаҳар прокурорининг ўринбосари Баҳромжон Усмонов акаси **Солияхон аягин**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Бухоро вилояти прокурорининг хўжалик судларига ишлар қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўйича катта ёрдамчиси **Олимжон НОРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор қилади.



Икки бор ўлган йиғит

Қаҳвахонага ўзларини «шаҳарнинг зўриман» деган икки жиноий гуруҳнинг йигитлари тўпланган, улар бугун шу ерда қайси гуруҳ зўрлигини ва шу йил билан шаҳарчага ҳукмронлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритишни аниқлаш учун ҳал қилувчи «жанг»га йиғилишган. Мана ҳозир бир неча дақиқа, йўқ, сонидан кейин ўқ овози гўмбурлаб, кимдир кимнингдир ҳаёtgа охириги нўктани қўяди. Буни йиғитларнинг ўнг қўллари чўнтағида-лиги, демакки, қуролларнинг отишга шайлиги сездириб турибди...

Официант бир стол атрофидаги гуруҳдан иккинчисига ҳада сифатида кумуш патнисга қўйилган шампан vinosини тавозе билан олиб борди. Ва шу захотий янгига теккан қўлчи муштан йиқилди. Уни оёқ-қўлидан кўтариб, ҳада юборганларнинг оёғи остига келтириб ташладилар. Қуроллар қўлга олинди. Шу пайт қаҳвахона эшиги шадд билан очилиб, ўттиз ёшлардаги, баланд бўйли, келишган йигит қирол келди. У дадил қадамлар билан қуролларини шайлаб турган йиғитлар томон келароқ...

— Безориликни бас қилинглр! — у қутурган гуруҳга тик қаради. — Шунча қон тўкилгани етар!

Нотаниш йигитнинг қаҳвахонага сурбеларча бостириб кириши, тап тортмасдан зўравонларга буйруқ берилиши табиийки, қўтлимасган, шу билан бирга кечириб бўлмас ҳол эди. Гўё буйруқ берилгандек ҳамма баробар тўппончаси билан йиғитни мўлжалла олди. Эсоҳанаси чиқиб кетган официант, бош ошпаз ва унинг икки ёрдамчиси турган жойида қотиб қолди.

Биринчи ўқ овози янграган, чирок ўчди. Отишма бошланди. Ошпазнинг хабари билан милиция ҳашамлари жуда қисқа муддатда етиб келишди. Улар залга кириши билан чирок ёнди. Қаҳвахона ўраб олинди. Иккала гуруҳ аъзолари, ошпаз, унинг ёрдамчилари, ҳатто, қалтак еган официантлари

си ўлкасига тегиб, ўша жойда қолган. Баллистик экспертнинг ҳулосасига кўра, учала ўқ ҳам битта қуролдан — 38-калибри «Беретта» тўппончасидан отилган. Яна ҳам хайратланарлиси, зўравонларнинг тўппончалари орасида «Беретта» йўқ эди.

Эксперт ва тезкор ходимлар зални диққат билан кўздан кечириб, тўдалар ҳақиқатан ҳам тартибсиз равишда ўқ отганликларини аниқладилар. Лекин уларнинг орасида «Беретта»дан отилган ўқ йўқ эди. Бу ишдаги галати ҳодисаларнинг бошланиши эди, холос.

Тезкор ходимлар мурданинг шахсини аниқлаш мақсадисда иш олиб бораётган, гумондорлар диққинафас бўлиб ўтирган бир пайтда, куппа-қундузи, ўликхонадан шахси номаълум йигитнинг мурдаси йўқолди.

Гувоҳга айланган ошпаз ва унинг ҳаммасаблари гумондор сифатида яна қамоққа олинди. Ходимлар у ердан номаълум шахсга тегишли бирорта янги маълумот топиш илинжида синчковлик билан қайта текширув ўтказишди. Буни қарангки, столлардан бирининг остидан қонга беланган паспорт топилди. Экспертнинг ҳулосасига кўра, паспортдаги сурат ва унга теккан қон ҳалок бўлган йигитга тегишли экан.

Паспорт 1963 йилда туғилган Иван Васильевич Чернихга тегишли эди. Шу захоти марҳумнинг туғилган жойига сўровнома юборилди. Шунингдек тезкор ходимлар гумондор сифатида қўлга олинган қаҳвахонанинг ишчиларини сижувга олдилар. Энди улар, тўғрироғи, қалтакланган официант асосий гумондорга айланди. У зўр бериб ўзининг бегуноҳлигини исботлашга уринар, бу эса, тезкор ходимларнинг «қотил шу» деган гумонларини ҳақиқатда яқинлигини аниқлаётганга ўхшарди. Улар официантнинг қотиллигига ишониб қолишди.

Бир кун и эрталаб официант Чернихни отиб ўлдиргани ҳақидаги қозоғга

қўйилган қабристонга йўл олдилар.

Қабристондаги оддий қабртошда-гисуратдан ўша «Оқ қайин»даги «разборка»да ҳалок бўлган йигит ўзларига қараб турганини кўрган тезкор ходимлар ва экспертларнинг ўша ҳолдаги ахволини бир кўрсангиз эди! Дафн этилган йигитнинг исми шарифи, туғилган йили ва жойи топишган паспортдагининг ўзгинаси эди. Фақат ишонил қийин бўлса-да, буйигит икки йил олдин ўқ тегиб, ҳалок бўлганди. Қабр-тороқ эса, унга қўнган билан-биланмас чангга қараганда, ёзилганига бир ҳафта ҳам бўлмаган шундай сўзлар битилганди: «Кўяверинг, менинг қотилларини яшайверсинлар, фақат ортиқча қон тўкилмасин!» Бу сўзларни ёзиш мумкин бўлган одам топилмади. Марҳумнинг накариндошлари, на дўстлари бўлган. Шаҳарчада уни ҳатто унутиб юборишганди.

Тезкор ходимлар қабрни очигина рухсат олдилар. Мурдани текширган экспертлар шундай ҳулоса берди: «Мурда яқинда «Оқ қайин» қаҳвахона-сида отиб ўлдирилган «номаълум шахс» Чернихнинг ўзгинаси. Унинг танасидаги ўқ теккан жароҳат ҳам бир хил. Йўқолган ва қабрда ётган иккала мурда (агар шундай бўлса)нинг бир хил аъзосига теккан ўқ битта тўппонча — «Беретта»дан отилган...».

Гумондорлар озод қилинди. Зўравонларнинг айримлари «ноқонунчи қурол сақлагани учун» шартли равишда жазоланди. «Оқ қайин» қаҳвахонасида жиноий тўдалар орасида оқ бериши мўжар-рар бўлган қонли тўқнашунинг олдини олиш учун уриниб, ҳалок бўлган ва қотили топилмаган, икки йилдан кейин айнан ўша воқеа тасвирланган яна... ўзини қурбон қилган Иван Васильевич Чернихнинг ўлими ҳамда ўлимидан кейин оқ берган бу гаройиб ҳодиса ҳақидаги юзлаб саволлар жавобсиз қолди. «Иш» очилмаган, «ўлик ишлар» қаторидан жой олди. **Мухлиса ЙЎЛДОША** тайёрлади

HANGOMA

Тошкент дорилфунуни-нинг домласи Баҳоидир Фуломов боладек беғубор, содда одам эди. (Афсус, бевақт вафот этди). Сафарга чиқадими, ўтиришга келадими, деярли ҳар гал навбатдаги «шумлик»-нинг «қурбони» бўлиб, ё чойхона паловга, ё зиёфатга «тушар», «тушмагани»га кўймас эдик.

Баҳоидир ака уйига меҳмон келса, ўтиргизгани жой тополмай шошиб қоларди. Бир гал Озод Шарафидинов, Бегали Қосимов, Абдуғафур Расулов қандайдир байрам баҳона домлани кўргани бордик. Баҳоидир ака келинойига дастурхон ёздирди. Очилиб, жиндай ичилган «Плиски» коньягини келтириб қўйди.

— Коньяк деганни узум билан ичанган-да! — деди Озод ака.
— Ҳозир, домлажон, ҳозир! — Баҳоидир ака пилдираб ҳовлига тушди. Дераза олдида инқиллаб нарвон кўтарганча ўтиб, сўриток томон юрди. Пайтдан фойдаланиб, коньякни тўртта пиёлага бўлди. Луқ этиб ичиб олди-да, ўрнига совуқ чой қўйиб қўйдик.

Баҳоидир ака узум кўтариб кирди. — Қани, меҳмонлар, — деди илжайиб. — Жиндай-жиндай олайлик бундоқ. Бугун байрам...

Ҳаммамиз «қандай бўларкин», деб бирпас ноз қилган бўлдимиз, мезбон кистайверганидан кейин «ноилож» кўндик. Абдуғафур ака «коньяк» сузди.

— Ушх кепсизлар! Қадамларингизга хасанот! — деди Баҳоидир ака тантана билан. «Коньякни» бир қўлтум ичдию, афти буришиб кетди.

— Нима бу? — деди кўзойнагини йилтирибди. Биз ҳам жиндай-жиндай тотинган бўлиб пиёлаларни дастурхонга қўйдик.

— Мазаси галатирокми? — Баҳоидир ака ҳаммамизга бир-бир мўлтираб термулди.

— Шу коньякми? — деди Озод ака қовоғини уйиб.

— Менгям галатирок туюлди, — деди Бегали.

— Ҳидиям бошқача... — деди Абдуғафур ака.

— Йўғ-э, кеча ўзим ичувдим-ку! — Баҳоидир ака азда-базза шишанинг оғзини хидлаб кўрди. Тўсатдан бир нима эсига тушгандек ҳовлига қараб келинойига қичқирди. — Уканг қанон келувди?

— Кейин бизга ҳасрат қилди. — Қайининг шу одати ёмон-да! У киши сурат олишга қизиқадилар! — деди зарда билан. — Биламан, ўшандан бошқа ҳеч ким қилмайди бу ишни! Коньякни ичган-да, ўрнига фотодори қўйиб қўйган.

— Нима? Фотодори?! — Озод ака ўрнидан туриб кетди. — Захарку бу! Ҳали бизни захарламоқчи бўлдингизми?

— Қиёматлик ака-укамиз-а? — деди Абдуғафур ака бош қайчаб.

— Мазасидан билувдим... — деди Бегали маънос мингиллаб.

Баҳоидир ака довларга қолди. Нукул бир гапни такрорлайди.

— Мен билмай қолдим-да... Билмай қолдим-да...

Домла янги шиша оқганида ҳам, қовурдоқ олиб келганида ҳам чех-

рамиз «ёришмади».

Яхшигина «қизишиб» олганимиздан кейин мавзу тагин «фотодори»га келиб тақалди.

— Чўрт поберти! — деди Озод ака. — Энди «Плиски»ни кўрсам кўнглим айнийдиган бўлди-да.

Баҳоидир ака астойдил ялинди.

— Кўйинглар энди, шу гап шу ерда қолсин, эшитган қулоққа яхшишмас.

— Албатта-да, — деб тасдиқлади Озод ака. — Баҳоидир Фуломов дўстларини захарламоқчи бўпти, деган гап тарқалса, биров ишонмаса, биров ишонди-да!

Баҳоидир ака бирпас иккиланиб турди-да, тақлиф киритди.

— Шанба кун

Ўринбой ака-нинг чойхонасида ош қила-қолсам-микин?

— Ма-на бу бошқа гап! — дедик ҳаммамиз жонланиб.

Озод ака Баҳоидир аканинг «таррафини олди».

— Текин ош бўларкан деб талта-м а л а -

рин! Майли, домла-ку ош қилади. Албатта қилади! Аммо сенлар ҳам бу сирни ёймасликка ваъда бериб, тилхат ёзиб берасан. Ҳозир оғзаки гапга ишониб бўлмайди.

Шанба кун чиндан ҳам Ўринбой аканинг чойхонасида ош бўлди. Фақат беш киши эмас, ўн беш киши тўпланди. Ош устида Баҳоидир ака нега «эриётгани», бизни қандай қилиб «захарламоқчи бўлгани» ҳақидаги батафсил ёзилган тилхатларни тантана билан, баланд овозда ўқиб бердик. Бу сир ўша кунлик бугун факультетга ёйилди.

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

момақалдироқ гумбурлайди, ёмғир челақлаб қўйб турибди. Бийдек даланинг қоқ ўртасида бир милиционер машинани тўхтатди.

«РАФ»га чиқиб совуқдан тишлари тақиллаганча гапирди:

— Кечирасизлар, ҳужжатларингизни кўрсатинглар!

Жаҳлимиз чиққан бўлиб, паспортларимизни кўрсата бошладик.

Баҳоидир ака типирчилаб қолди. — Бошпуртим йўқ-ку! — деди хавотирланиб. — Ҳалигина ёнимда эди.

Худди шундай милиционер йигит домланган

ган бўлди. Милиционер шофёр ёнига ўтириб уф тортиди.

— Қойил-е, икки соатдан бери кутаман-а! Ҳаммаёғим шилтаи шалаббо бўлди-ку!

— Нима деяпти? — сўради Баҳоидир ака овозини пасайтириб.

— Жим! — дедим лабимни тишлаб. — Жаҳли чиқиб турибди. Мелиса билан ҳазиллашиб бўладими? Омон қолганингизга қувонмайсизми?

— Рост айтасиз. Қуруқ тухматдан асрасин! — Баҳоидир ака кунлишиб ўтириб олганича шахарга кир-

тимирскиланади. «Нима бўлди», десак, «дўппим бор эди, тополмайман», дейди.

Озод ака жеркиб берди. — Қанақа одамсиз ўзи, сизнинг дўппингиз деб поезд тўхтаб турармиди? Бўлинг тезроқ!

Пастга тушишимиз билан Озод ака жуда жиддий қилиб гап бошлади.

— Бу томонларда менингит касали тарқалган дейишди, эҳтиёт бўп юринглар.

— Менингит нимадан бўлади? — сўради Абдуғафур ака «соддалик» билан.

— Нимадан бўларди, шамоллашдан-да!

— Энг кераклиги бош-да, — деди Бегали фалсафий оҳанда.

— Менингитга йўлиққан одам уч кунда ўлади. — Озод ака қаттиқ тайинлади. — Айниқса бошни эҳтиёт қилинглр!

Баҳоидир ака секин ёнимга келди.

— Ўткиржон, — деди, — мабодо биронта ортиқча дўппингиз йўқми?

— Ортиқчаси йўқ-ку, ўзимники бор. Сизга кичкина келармикин дейман...

— Майли, вақтинчага бўлсам, — деб домла энди гап бошлаши билан Озод ака мени уришиб берди:

— Бош кийимни бировга бериб бўлмайди. Тем более, сафарда юганда.

Кимдир бояги гапни давом эттирди.

— Уч кунда дейсиз-ку, одам бир кунда ўлиши ҳам мумкин.

— Албатта, ҳар кимнинг организми ҳар хил-да...

Баҳоидир ака ялинишга тушди:

— Хўп десангиз дўппингизни сотиб олардим, укажон.

Орнинган киши бўлиб портфелимни очдим.

Йигирма беш сўмга олувдим, — дедим иккиланиб.

— Ўттиз сўм! — Озод ака гапни кесди. — Бу ёқларда дўппи қиммат.

Ўттиз сўмга «бор-барака» қилдик. Пул менга, дўппи Баҳоидир акага ўтди.

— Ие, ўзимники шекилли? — домла юпқа кўзойнагини тақиб дўппига узоқ термулиб қолди.

Озод аканинг «жаҳли» чиқиб кетди:

— Беринг, пулини қайтариб беринг! Бир одам ўша ҳаётини хавф остида қолдириб яхшилик қилсаю, бу киши...

— Йўқ, йўқ, — Баҳоидир ака дўппини маҳкам чангаллаб олди. Бошига кийиб мамнун жилмайди.

— Тўри айтибсиз, сал кичкинароқ экан. Майли, бўлаверди.

— Дўппини ечиб яна томоша қилди. — Қаранг, сизникини гули ҳам бошқачароқ экан.

Мени ранжиди деб ўлади шекилли, кўнглимни кўтарди:

— Хафа бўлманг, укажон, эрта-лаб йўлакка чиқиб кетаётганимда купе эшиги олдида афти хунқроқ бир одам турганди. Меникни ўша ўғирлаган. Тошкентга борсак сизга ўзим яхши дўппи олиб бераман. Раҳмат, укажон!

...Тилла одам эди, раҳматли Баҳоидир Фуломов!

**Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси**



ЎЗБЕКНИНГ СОВДАСИ

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

HUQUQ
yuridik gazeta

Ta'isichisi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:
Bahridin VALIYEV, Abdualim XOLMAHMATOV, Pirimqul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV (Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), G'afurjon ALIMOV (mas'ul ko'rib chiqaruvchi), Lola SHOMURODOVA, Muxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: info@huquq.uz
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga mo'lj materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma **Г — 561.14584** nusxada chop etildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terohid va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: Z.MAMADALIYEV
Musahihini A.MUSTAFOVA

Gazeta «Sharq» NMM bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxon manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 12345678